


77C-847  
2004:2

# O'ZBEKISTON TARIXI



2  
2004




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

# O'ZBEKISTON TARIXI

*Jurnalga 1998 yil iyulda asos solindi  
Bir yilda to'rt marta chiqadi*

2  
2004



Toshkent  
O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi  
«Fan» nashriyoti

### **ҲУРМАТЛИ ЖУРНАЛХОНЛАР!**

*«Ўзбекистон тарихи» журнаliga 2004 йил учун обуна давом этмоқда.*

*Обуна бўлган журналхонлар тарихга янги нигоҳ билан ёндошилган тарихиunosлик ва этнография масалаларига оид қизиқарли мақолалар ҳамда бой тарихимизнинг турли соҳалари бўйича ўтказилган илмий анжуманлар, учрашувлар ва баҳслар ҳақида ахборотлар билан танишадилар.*

*Журналга обуна бўлишга шошилинг. Обуна баҳоси 2004 йил учун 8000 сўм.*



*Тарихга янги нигоҳ*

А. Эркинов

**ДУКЧИ ЭШОН ВА 1898 ЙИЛ АНДИЖОН  
ҚЎЗҒОЛОНИ - ДАВР ШОИРЛАРИ БАҲОСИДА\***

Ўзбекистонда тарихни ўрганишда объективлик борган сари кучайиб бормоқда. Жумладан, Дукчи эшон қўзғолонига ҳам муносабат ўзгараёпти ва бунда қўзғолонга берилган турли баҳолар асосий мезон қилиб олинаёпти. Б.Бобожоновнинг «1898 йилги Андижон қўзғолони «дарвишлар ғазавоти»ми ёки мустамлакага қарши чиқишми?»<sup>1</sup> номли баҳс уйғотувчи мақоласининг «Ўзбекистон тарихи» журналида эълон этилиши ҳам Ўзбекистонда тарихий жараёнларга объектив баҳо бериш, совет замонидаги қотиб қолган қарашлардан қутулиш сари дадил қадамлар қўйилаётганлигини исботлайди. Шу маънода, ўша даврдаги маҳаллий зиёли ва шоирларнинг қўзғолон тўғрисидаги ҳар қандай турдаги фикри, баҳолари бугунги тадқиқотлар ва хулосаларимиз учун муҳим. Шу маънода, Дукчи эшон қўзғолони тўғрисида ўша давр шоирлари нима деганларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

«Дукчи эшон ҳажви» цикли ўзбек тилидаги 20 та шеърдан иборат бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 1500 мисрадан ортиқроқ<sup>2</sup>. Қуйида бу шеърлар ва уларни яратган шоирларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Муқимий (1850 - 1903)<sup>3</sup> ҳажвий шоир сифатида халқимиз орасида машҳур. У 19 байтдан иборат «баччағар» радифли ғазал ёзган<sup>4</sup>. Унда

\*«O'zbekiston tarixi» журналининг 2001 йил, 2 ва 4-сонларида Бахтиёр Бобожоновнинг «1898 йилги Андижон қўзғолони «дарвишлар ғазавоти»ми ёки мустамлакага қарши чиқишми?» («Андижанское восстание 1898 года: «дервишеский газават» или антиколониальное выступление?») мақоласи чоп этилган. Муаллиф мазкур қўзғолонга янгича муносабатларни ўртага ташлаган ва тарихчилар орасида катта қизиқиш уйғотган. Бу мавзу муҳокама-сини давом эттириб ушбу мақолани эътиборингизга ҳавола этамиз.

<sup>1</sup> Бабаджанов Б. Андижанское восстание 1898 года: «дервишеский газават» или антиколониальное выступление? // O'zbekiston tarixi. 2001. № 2, 4.

<sup>2</sup> Оригинал тилида – ўзбекчада замонавий алифбода мазкур шеърлардан фақатгина 30 фоизи нашр қилинган. Қолгани бугунги ўқувчилар аудиториясига маълум эмас. Биз аниқлаган шеърлардан ташқари яна янги шеърлар топилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

<sup>3</sup> Philologiae turcaae fundamenta. Vol.2. Wiesbaden. 1965. P. 398-399; Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. Ташкент, 1976. С. 541-550; Муқимий // КЛЭ. Т. 4. С. 1012-1013; Муқимий // Литературный энциклопедический словарь (бундан кейин – ЛЭС). М., 1987. С. 656.

<sup>4</sup> Қаранг: Муқимий й. Асарлар. Ф. Каримов нашри. Тошкент, 1971. 378-379-бетлар.

бир эшоннинг фирибгарликлари ҳақида гап кетади<sup>5</sup>. У - «Ба ҳажви халифайи Мингтепа» деб номланган бўлиб, биринчи маротаба Нодим Намангоний<sup>6</sup> шеърлари мажмуасида келтирилган (бу шоир ҳақида куйроққа қаранг).

Ўзбек адабиётшунослигида бу ғазал Дукчи эшонга<sup>7</sup> бағишланган бўлиб, эшон ҳажв этилган цикли ана шу шеърдан бошланган, деган қараш мавжуд. Шунга қарамай, Муқимийнинг бу ғазали кимга бағишланганлиги масаласи ҳамон баҳсли бўлиб қолмоқда. А. Абдуғафуров фикрига кўра, ғазал Дукчи эшонга бағишланган бўлса-да, унда манфаатпараст эшонлар умумлашган образи берилган<sup>8</sup>. Бошқа қарашга кўра ғазалда Муқимий таҳсил олган Қўқон мадрасаси мутаваллиси Муҳаммад Мусабой тасвирланган<sup>9</sup>. Аслида, бу ғазал 1304/1887 йилда<sup>10</sup> тузилган баёзда учрайди, яъни, камида, Андижон қўзғолонидан 11 йил аввал яратилган(!) Яна бошқа бир версияга кўра унда Дахубистбой(?)<sup>11</sup> ёки мингтепалик Садубистбой(?) ҳақида гап кетган<sup>12</sup>. Тахмин қилиш мумкинки, фақатгина 1898 йилдаги Андижон қўзғолонидан кейингина, Муқимийнинг обрўсидан фойдаланиб, бу ғазал Дукчи эшон билан боғлана бошланган<sup>13</sup>. Илм олдида мазкур ғазал кимга бағишланганлигини аниқлаш вазифаси турибди. Муқимий қаламига мансуб Дукчи эшон танқид қилинган яна бошқа бир шеър ҳам мавжуд деган қараш бор<sup>14</sup>. Лекин унда Дукчи эшон яшаган Мингтепа қишлоғи номини келтирилишидан бошқа суянишга асос бўлувчи кучли ишора йўқ.

Завқий (1853 - 1921) ўзининг лирик ва ҳажвий шеърлари билан анча машҳур эди. Муқимийнинг яқин дўсти ва сафдоши бўлган<sup>15</sup>. Баъзи тад-

<sup>5</sup> Каримов Ф. Ўзбек демократик..., 577-бет.

<sup>6</sup> ЎРШИ-1. № 4179, 20-бет.

<sup>7</sup> Зарипов Х. Муқимий ҳаёти ва ижодида оид материаллар. Тошкент, 1959, 16-17-бетлар.

<sup>8</sup> Абдуғафуров А. XIX асрнинг иккинчи ярми..., 197-201-бетлар.

<sup>9</sup> Мадаминов А., Турдалиев А. «Баччағар» кимга бағишланган...// ЎЗР. АС. 1992, 3-сон.

<sup>10</sup> Фарғона вилоят адабиёт музейи (Қўқон шаҳрида жойлашган). № 6738.

<sup>11</sup> Баёз маа ҳажвиёти мавлоно Муқимий маа Фурқат. Шумаков матбааси. Қўқон, 1914. 129-131-бетлар; Мадаминов А., Турдалиев А. Ўша асар, ўша манба.

<sup>12</sup> Мадаминов А., Қўшмоқов М. Рост йўлга етаклади инқилоб...// Гулистон. 1980, 12-сон. 22-бет.

<sup>13</sup> Бунга билвосита Султон Аҳмаднинг Муқимийга эргашиб ёзган шеъри гувоҳлик беради. У Муқимий шеъридагидек радифда ёзилиб, Дукчи эшон танқидига бағишланган (Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётида сатира. Тошкент, 1961, 205-бет).

<sup>14</sup> Каримов Ф. Ўзбек адабиёти тарихи..., 110-бет; Муқимий. Асарлар..., 381-бет.

<sup>15</sup> Hofmann H. F. Turkish literature. A bio-bibliographical survey. Section 3. Part I. Vol. 6. Utrecht, 1969. P. 178; Завқи // ЛЭС. С. 603; Завқи // КЛЭ. С. 970; Пулотжон Домулла Қайюмов. Тазкиран Қайюмий. Тошкент, 1998, 491-493-бетлар.

қиқотларда қайд этилишича, Муқимий ва Завқий 1898 йили Андижон ва Ўшга сафарга чиқишган ҳамда кўзғолон ва унинг оқибатлари билан боғлиқ воқеаларга гувоҳ бўлишган<sup>16</sup>. Шундан сўнг эса Дукчи эшондан норозиликларини ифодалашган<sup>17</sup>. Завқийнинг 40 мисрадан иборат ғазали манбаларда «Ҳажви Йикчи эшон»<sup>18</sup> номи остида келтирилади. Унинг сўнгги мисрасида кўзғолон бўлиб ўтган йил - 1898 йил тарих моддаси орқали ифодаланган. Завқийнинг яна бир юмористик шеъри мавжуд бўлиб, унда Дукчи эшон яшаётган жойга ишора қилинган.

Нодим Намангоний (1844 - 1910) - Сулаймонхожа мулаққаб ба Эшон Бобохон валади Улуғхожа эшон Шайхул исломи Наманган. У Наманган шаҳрида туғилиб, шу ерда яшаган<sup>19</sup>. Фурқат, Муқимий ва Завқий каби Кўқон шоирлари<sup>20</sup> билан яқин алоқада бўлган. Унинг лирик меросида, бир тарафдан ижтимоий, бошқа томондан сўфийлик мавзулари етакчилик қилади. Нодим Намангоний бизни қизиқтирган мавзуда умумий ҳажми 450 мисрадан иборат бешта шеър битган. Шу ҳисобдаги «эмасму?» радифи 31 бандли (155 мисра) мухаммаси ҳажман энг катта бўлиб, Нодим баёзига киритилган<sup>21</sup>. Мухаммас рус тилига ҳам таржима қилинган,<sup>22</sup> унда Дукчи эшон шахсияти ва ҳаракатлари қаттиқ танқид остига олинади.

Унинг иккинчи шеъри-ғазали 35 байтдан иборат, унинг радифи ҳам «эмасму?» бўлиб, айна баёзда келтирилган<sup>23</sup>. Унда ҳам муаллиф Дукчи эшоннинг хатти-ҳаракатлари ва кўзғолонини танқид остига олади.

Масалан:

Йикчи эшони нодон, Дажжоли мулки Турон,  
Оламға солди тўфон бу достон эмасму?..  
Они касофатидин, ул фитна офатидин,  
Кўп эл асиру зору бехонумон эмасму?  
Мингтефа горат ўлди, кўпни уйи бузулди,  
Ўрни мужукка бўлди, зулми аён эмасму?

<sup>16</sup> Каримов Ф. Ўзбек адабиёти тарихи..., 112-бет.

<sup>17</sup> Бендриков К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865 - 1924). М., 1960. С. 75.

<sup>18</sup> Завқий. Танланган асарлар. Ҳ. Раззоқов нашри. Тошкент, 1960, 32-33-бетлар.

<sup>19</sup> Ўзбек адабиёти тарихи..., 1980. 250-265-бетлар; Халилбеков А. Нодим Намангоний ҳаёти ва ижоди..., 1967.

<sup>20</sup> Пўлотжон Домулла Қайюмов. Тазкираи Қайюмий..., 335-бет.

<sup>21</sup> ЎзРШИ. I-фонд, 4179-иш, 2136-217а-варақлар; Verzeichnis der Orientalischen Handschriften..., P. 121; Халилбеков А. Нодим Намангоний..., 197-201-бетлар.

<sup>22</sup> Стихотворение Наманганца Ишан-Баба-Хан-Тюри, Шейхуль Исламова (по поводу андижанского возмущения) // Туркестанские ведомости. 1898. № 89).

<sup>23</sup> ЎзРШИ-I, № 4179, 2226-224а-бетлар.



Булардан ташқари Нодимнинг «халифа» радибли яна икки мухаммаси мавжуд бўлиб, улар бошқа бир қўлёзмада ёнма-ён берилган. Булардан дастлабкиси<sup>24</sup> 10 банддан иборат бўлиб, ҳозиргача нашр қилинмаган ва илмий тадқиқотларда ҳам тилга олинмаган.

Бу шеърда муаллиф Муҳаммад Али халифани исломдаги дастлабки тўрт халифа (Муҳаммад халифалари) билан қиёслаб, Дукчи эшон ўзига сохта обрў орттиришга ҳаракат қилган шахс, деган хулосага келади. Иккинчи мухаммас қўлёзмада биринчисидан кейин келтирилган бўлиб,<sup>25</sup> 20 банддан (100 мисра) иборат. Ушбу мухаммас тўғрисида А.Ҳалилбеков маълумот бериб ўтган<sup>26</sup>.

Нодим Намангонийга Дукчи эшонга бағишланган яна бир асар – 70 мисрали маснавий ҳам нисбат берилади<sup>27</sup>. Бу асарда шоир тахаллуси келтирилмаган. Шу боис у аноним - муаллифи номаълум асар сифатида ҳам белгиланган<sup>28</sup>. Унинг муаллифи жуда аниқ бўлмаслигига қарамай, мазкур шеър оригиналлиги билан циклда ўз ўрнига эга.

**Рожий Марғилоний (1834-1918)** - Хожажон Рожий Марғилоний (Марғиноний), Қўқон адабий муҳитидаги машҳур шоирлардан бири бўлган. У Марғилон шаҳрида туғилган<sup>29</sup>. 1904 йилгача бу шаҳар қозиси вазифасида ишлаган<sup>30</sup>. Рус шарқшунослари, хусусан, В.В.Бартольд (1869-1930) билан учрашган<sup>31</sup>. У Дукчи эшон ҳақида иккита шеър ёзган<sup>32</sup>. Булар: 76 байтдан иборат бир маснавий ва 17 байтли «эшон» радибли ғазалидир. Мазкур шеърларда Марғилоний бошқа шоирлардан фарқли тарзда, Андижон қўзғолони тасвирини ҳам келтиради ва қўзғолонга ўз салбий баҳосини беради.

<sup>24</sup> ЎзРШИ-1, № 4182, 826-836-бетлар. Бу икки қўлёзма бир хил ёзувда ёзилган бўлиб, афтидан, шоир дастхати бўлиши керак.

<sup>25</sup> ЎзРШИ-1, № 4182, 84а-86а-бетлар.

<sup>26</sup> Ҳалилбеков А. Нодим Намангоний..., 197-бет.

<sup>27</sup> ЎзРШИ-1, № 9365; Handlist of Sufi manuscripts (18<sup>th</sup> - 20th centuries) in the holdings of the Oriental Institute, Academy of Sciences, Republic of Uzbekistan (Biruni). Edit. J. Paul. Berlin. 2000, № 1710; Verzeichnis..., P. 119-120; Нодим. Танланган шеърлар. А. Турсунов, А. Ҳалилбеков нашри. Тошкент, 1964, 31-32-бетлар.

<sup>28</sup> Каримов Ф. Ўзбек демократик... 574-575-бетлар.

<sup>29</sup> Аҳмаджонова Ф. Ўзбек адабиёти тарихидан. Тошкент, 1994, 22-44-бетлар.

<sup>30</sup> Пўлотжон Домулла Қайюмов. Тазкирани Қайюмий... 321-бет.

<sup>31</sup> Мелиоранский П. Документ уйгурского письма Султана Омар-шейха // Записки Восточного отделения Императорского русского археологического общества. Т. XVI. СПб, 1902; Туркестанские ведомости, 1902, 25 августа.

<sup>32</sup> ЎзРШИ-1, № 5968, 18а-21а-бетлар; Марғиноний М. Г. Дукчи эшон ҳаракатининг... 57-59-бетлар; Асарлар нидоси... 283-284-бетлар.



Умидий-Ҳавоий (1835 - 1906) - Муҳаммад Умар Умидий-Ҳавоий Қўқон адабий муҳитига<sup>33</sup> мансуб бўлган. У Қўқон хонлиги тарихига оид бир неча асарлар битган. Булар сирасига «Бадавлатнома», «Мактубчайи хон», «Жангнома» кабиларни киритиш мумкин. У шарқшунослар Н.Ф. Петровский(1837-1908) ва Лютшчлар билан яқин муносабатда бўлган. Умидий «эшон» радифли иккита ғазал яратган. Шоир ижоди тадқиқотчиси Т. Ҳожибоев маълумотларига кўра, унинг 11 байтдан иборат дастлабки ғазали<sup>34</sup> Андижон қўзғолонидан аввалроқ ёзилган. 8 байтдан иборат иккинчи ғазали эса қўзғолон бостирилгандан сўнг яратилган<sup>35</sup>. Унинг Андижон қўзғолонига бағишланган таърихи ҳам мавжуд деган фикрлар бор.

Тошхўжа Асирий (1864 - 1916) асли Хўжандли шоир бўлиб,<sup>36</sup> кўпроқ тожик тилида асарлар ёзган. Қўқонда таҳсил олган ва кейинчалик Муқимий, Завқий ва Фурқатлар билан дўстлашган. Улар бир-бирлари билан шеърий мактублар ёзишиб, шеърият бобида мусобақалашганлар. Асирий 20 мисрадан иборат «Дар мазаммати эшони Дукчи»<sup>37</sup> номли ғазал ёзган.

Сидқий Хондайлиқий (1884 - 1934) - XX аср боши машҳур ўзбек маърифатпарвари. Туркистон маданий муҳитини янгилашга доир бир неча асарлар муаллифи<sup>38</sup>. У «Иқтисоб» номли таржибандида<sup>39</sup> динни ўз манфаатига ишлатган эшонларни танқид қилади. Эшонлар ҳаётидан турли мисоллар келтириб, Дукчи эшон фаолиятини фирибгарлик сифатида баҳолайди: 350 мисралаи шеърини ёзади. Сидқий шеъри 1919 йилда,<sup>40</sup> яъни бошқа мафкуравий ва сиёсий шароитда яратилганлигини ҳисобга олиш даркор. Шунга қарамай, Сидқий шеъри янги фактлари билан эътиборни жалб қилади.

Ҳожа (Ҳожи) Собирий (XIX - XX) асли Самарқандли бўлиб, унинг биографияси ҳақида маълумотлар йўқ ҳисоби. У Нодим Намангонийга

<sup>33</sup> Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. Тошкент, 1961, 68, 312-бетлар; Ҳожибоев Т. XIX аср ўзбек шоири...

<sup>34</sup> Асрлар нидоси.... 221-бет.

<sup>35</sup> Ҳожибоев Т. XIX аср ўзбек шоири.... 94-96-бетлар. Т.Ҳожибоев маълумотича, иккинчи шеър Муфаззал Шоумаров шахсий кутубхонасида сақланади.

<sup>36</sup> Асири // КЛЭ. Т. I. С. 339; Асири // Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Ҷилд I. Душанбе, 1988. С. 184-185; Асири // ЛЭС. С. 547.

<sup>37</sup> Тошходжа Асири Худжанди. Избранные произведения. М., 1982. С. 3-5, 166-167.

<sup>38</sup> Сидқий Хондайлиқий. Танланган асарлар. Б. Қосимов, Р. Жавҳарова нашри. Тошкент, 1998.

<sup>39</sup> ЎзРШИ-1, №7629/2, 18а-256-бетлар.

<sup>40</sup> Қўлёзмада шу сана кўрсатилган. Бошқа маълумотларга кўра у 1924 йилда ёзилган (Сидқий Хондайлиқий. Танланган асарлар... 128-бет).

эргашиб, Дукчи эшон тўғрисида 75 мисрадан иборат «эмасму?» радифли мухаммас ёзган<sup>41</sup>. Мана унинг бир банди:

Бир кеча қилди ғавфо, мардумга солди ғавфо,  
Шайтон фирифта қилди, асрор бўлди ифшо,  
Деди келинг муридлар, сиз ўлдурунг насоро,  
Охир бу фикр ила оламга бўлди расво,  
Шайтон сўзи олибон сарсон бўлгон эмасму?

Султон Аҳмад (XIX - XX) - Чимкент эшонларидан, у ҳақда аниқ маълумотлар йўқ ҳисоби. Унинг 66 мисрадан иборат шеъри ўзбекчада «Ушбу замондаги оми эшонлар хусусида бир шоирнинг ёзган шеъри» номи остида эълон қилинган. Худди шу шеър устига рус тилида «Стих об Андижанском ишане»<sup>42</sup> деб ҳам ёзиб қўйилган. Шеър олимлар томонидан Муқимийнинг юқорида тилга олинган ғазали услубига эргашиб ёзилган халқ жавоби сифатида баҳоланган<sup>43</sup>. Газетада мазкур шеър эълон қилинган вақтда Султон Аҳмаднинг марҳум бўлганлиги ҳам таъкидланган.

**Аноним шеърлар** - муаллифи номаълум шеърлар тўртта бўлиб, улар 1883-1917 йилларда «Туркистон вилоятининг газети»га муҳаррирлик қилган Н.П.Остроумов (1846-1930) архивида сақланади<sup>44</sup>. Булар: (1) «Назми воқеайи Дукчи эшон»<sup>45</sup> деб аталувчи 30 мисрали ғазал. Бу шеър услуби ва қофияланишига кўра Тошхўжа Асирийнинг юқорида тилга олинган ғазалига жуда ўхшаб кетади; (2) Маснавий (82 мисра); (3) 90 мисрали ғазалда, жумладан, эшон иши зиёлиларни уятга қўйганлиги таъкидланади:

Ул эшон шумлуғи бу Андижон аҳлин хижил айлаб,  
Ажойиб шармисор этти ҳама қозийу дамлони.

4) Ғазал (36 мисра); унда эшоннинг аслида қайси тасаввуфий сулуққа тегишли эканлигини ҳеч ким англаб етмади, дейилади:

<sup>41</sup> Баёзи Хожи Собирий. Тошкент, нашр йилсиз, 11-15-бетлар; Пўлотжон Домулла Қайюмов. Тазкирани Қайюмий.... 435-бет.

<sup>42</sup> Туркистон вилоятининг газети. 1911 йил 30 октябрь; Баёзи маҳбубул маҳбуб. Тошкент, 1913, 131-134-бетлар (ЎЗРШИ, тошбосма китоблар фонди, №330).

<sup>43</sup> Абдуғафуров А. XIX асрнинг иккинчи ярми..., 197-бет.

<sup>44</sup> Унинг ўзи ҳам кўзғолон ҳақида ёзган: Остроумов Н. Интересный документ, касающийся Андижанского восстания // Вестник офицерской школы восточных языков. Вып. 1. Ташкент, 1911.

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат архиви (ЎР ДавА). Н. Остроумов фонди, дело №1009, опись №1, пакет №143, 16; Каримов Ф. Ўзбек демократик.... 575-бет.

Ҳеч ким билмас экан қайси сулукда эрканин,  
Шумлуғидин бежаноза кетти беш қавми билан.

Муаллифи номаълум бўлган сўнгги уч шеър бир хил ёзувда битта вараққа ёзилган. Улардан кейин бўлса, юқорида биз таъкидлаган Нодим Намангонийга нисбат берилган маснавий ҳам келтирилади<sup>46</sup>. Биринчи келтирилган аноним ғазал ўз услубига кўра қолган икки ғазал ва бир маснавийдан кескин фарқ қилади. Демак, бу тўрт шеър муаллифлари камида икки киши бўлган.

Энди Дукчи эшон ҳажв этилган шеърлар бадииятининг умумий жиҳатларига тўхталиб ўтамиз. Бунда XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошидаги Туркистон адабий муҳитидаги цикллилик - туркумлилик адабиётшуносликда нисбатан кам ўрганилган ҳодиса эканлигини ҳисобга олиб, бу тўғридаги айрим қайдларнигина келтирамыз.

Адабий туркумлилик - бир хил мавзудаги бир неча шеърларни яратиш XIX аср иккинчи ярмида урф бўлган. Қўқон хонлиги тугатилиб (1876 йил 19 февраль), маҳаллий аҳоли Россия тобелигига ўтказилганидан кейин бадиий дидлар ҳамда улар билан бирга шеърят мавзу ва услуби кескин ўзгарди. Янги давр эса янги эстетикани талаб қила бошлади: бадиий асарларда ҳажвийлик ва юмор кучайди, адабиёт реал ҳаётга яқинлашди (бу бадиийликка маълум даражада путур ҳам етказди). Айниқса, шеърини жавоб - татаббуълар ўзига хос адабий ўйинга айланди. Натижада, турли воқеа ва нарсаларга бағишланган шеърини туркумлар пайдо бўла бошлади. Дукчи эшон туркумидаги шеърларга баҳо беришда ана шуларни ҳисобга олиш лозим.

Ушбу туркумни баҳолашда, айтиш вақтда, бир жиҳатни назардан соқит қилмаслик керак: бундай баён этиш баъзи қонун-қоидаларга амал қилишни талаб этарди. Бу эса шоир индивидуал ижоди йўлини бироз торайтирарди. Бундай туркум шеърларни нафақат мавзу йўналиши, балки шаклий жиҳатлар ҳам яқинлаштириб туриши керак бўлган. Шоир жавоб - эргашини шеърда ўзига хос бадиий шаклларга риоя қилиши лозим эди: муайян қофия, радиф, вазн кабиларни сақлаб, уларга риоя қилган ҳолда шеър битган. Шу боисдан ҳам Дукчи эшон циклидаги шеърлар ўз салафи - ўзидан олдин шеър битган шоир асаридаги қофия ёки радиф асосида яратилганлигига гувоҳ бўламыз. Масалан, Муқимий

<sup>46</sup> Шуниси ғалатики, Н.Остроумов бу шеърларни эълон қилмаган. Лекин қўзғолон маҳаллий аҳолининг чор ҳукумати билан ҳамфикр эмаслигини кўрсатади, деб ҳисоблаган (ЎР ДавА. фонд И-1009, опись №1, дело №88,7; Erkinov A. Praying for and against the Tsar, Prayers and Sermons in Russian-dominated Khiva. Hrsg.: Jьrgen Paul, Ingeborg Baldauf. Verlag Hans Schiler. Berlin, 2004 (ANOR 16).



фазалидаги «баччағар» радифи Султон Аҳмад шеърда ҳам қўлланилган. «Эмасму?» радифи бўлса, Хожа Собирий ва Нодим Намангоний шеърларида учрайди. «Эшон» радифи эса Завқий, Рожий Марғилоний ва Умидий-Ҳавоний шеърларида учрайди. Шақлий жиҳатларга бундай эътибор қаратиш ҳамда оммабоплик туркумдаги шеърларни бир-бирига яқинлаштириб турарди. Дукчи эшон туркумида иштирок этган барча шоирлар эса Қўқон адабий муҳитига мансуб бўлганлар. Аксариятлари хонлик маркази - Қўқон шаҳрида яшаб ўтганлар. Шахсий яқин алоқада бўлганлар. Мазкур шоирлар туркумдаги иштироки шеърини маҳоратдаги беллашув сифатида ҳам қабул қилиниши мумкин. Ўша даврда муайян туркумда иштирок этмасдан туриб, ўз маҳоратини намоён этиш шоир учун мушкул бўлган. Яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим бўлади: Дукчи эшон ҳам ижод билан шуғулланган: ҳикматли фикрларини шеър ва қофиявий наср-сажда ифода этган. У 1893 ёки 1894 йили «Девона» тахаллуси билан «Ибратул гофиллин» («Гофиллар учун ибрат») <sup>47</sup> номли ислом дини тарғибига бағишланган асарини яратади. Бироқ, бу асар бадий жиҳатдан юқори даражага эга эмас.

Дукчи эшон туркумига ёзилган шеърларни ўрганиш давомида янги саволлар туғилади. Андижон қўзғолони, Дукчи эшон шахсияти ва фаолиятига туркумда иштирок этган шоирлар салбий муносабатлари қанчалик самимий бўлган? Мазкур танқидий мулоҳазалар замирида маҳаллий зиёлилар тилидан исён танқидини эшитишни истаган Туркистон генерал-губернатори С.М. Духовскойнинг (1898 - 1901) пинҳона кўрсатмаси таъсири ётмаганмикин? Мазкур машҳур бўлган шоирларнинг Дукчи эшоннинг сўфий пир-муршидликка даъвосига нисбатан муносабатлари қандай эди?

Биринчи саволга Ҳ.Болтабоевнинг 1998 йили эълон қилинган «Ёлланган адабиёт сирлари» номли мақоласида бирмунча жавоб берилган <sup>48</sup>. Мақола Андижон исёни билан боғлиқ бир неча шеърлар асосида ёзилган. Унда асосий эътибор қўзғолон ва унинг раҳбарига салбий муносабатда бўлишга онд чор маъмурияти кўрсатмасидан келиб чиққан ҳолда шоирлар ўз шеърларини яраганликларига қаратилган.

Бундай хулосаларга келишга бошқа манба-асослар ҳам хизмат қилиши мумкин. Улар сирасига Қўқон, Ўш ва Ўш уезди аҳолиси номидан Туркистон генерал-губернатори мадҳ этилган ва Дукчи эшон танқид

<sup>47</sup> Babadjanov B. M. Duki Isan..., P. 170-177; Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи эшон..., 138-144-бетлар.

<sup>48</sup> Болтабоев Ҳ. Ёлланган адабиёт сирлари... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1998, №49.



қилинган «Адрес»ларни ҳам киритиш мумкин. Бундай мурожаатлар маҳаллий матбуотда ўзбек ва рус тилларида эълон қилинган эди<sup>49</sup>. Шу боис машҳур шоирларнинг рус колониал маъмуриятининг маҳаллий зиёлиларга қаратилган чақириғига нисбатан, Андижон кўзғолонига «керакли даражада» ўз шеърлари билан «жавоб» беришлари мумкинлиги эҳтимолини ҳам назардан соқит қилиб бўлмас. Андижон кўзғолонини бостириш учун ерли аҳолини қонга ботириб, чор маъмурияти ўз ҳокимиятига зуғум қилувчиларга нисбатан мурасасиз позициясини исботлади. Мана шундай шароитда кўзғолонга нисбатан салбий муносабатда бўлишдан бошқа йўлнинг ўзи қолмаган эди.

Бироқ, шоирлар ўз шеърларини рус ҳокимияти чақириғига нисбатан жавоб тарзида эмас, балки кўзғолон оқибатида амалга оширилган оммавий қирғиндан олган таассуротлар асосида яратган эдилар. Кўплаб тарихнавислар ва шоирлар чор маъмуриятига нисбатан ҳеч қандай илиқ муносабатда бўлмасалар-да, Дукчи эшон тарафдорлари қуролли кўзғолонини чин дилдан танқид қилгандилар. Сабаби, улар фикрича, кўзғолон Оқ подшо билан тинчлик ҳақидаги фатвони бузган эди. Бошқа тарафдан, бу вақтга келиб, зиёлилар яхши уюштирилмаган исёнлар воситасида мустамлака занжирларидан қутулиб бўлмаслигини англаб етгандилар. Буни мустамлака йилларида ўлкада амалга оширилган ва маҳаллий аҳолидан кўплаб одамлар қурбон бўлишига олиб келган стихияли ўнлаб оммавий чиқишлар ҳам исботлаганди.

Кўзғолон бостирилгандан сўнг, у маҳаллий матбуотда диний фанатиклар чиқиши сифатида баҳолана бошлайди<sup>50</sup>. «Исённинг бош сабаби ғазавот бўлган. Хужум вақтида яшил байроқ кўтарилганди ва Куръон ўқиларди»<sup>51</sup>. Яна чор маъмурияти кўзғолонни ғазавотнинг асл қоидаларига мувофиқ келмаслигини исботлашга ҳам уриниб кўради<sup>52</sup>. Дукчи эшон шахсиятини обрўлироқ инкори учун маҳаллий классиклар шеъриятдан насиҳатомуз фикрлар топишга ҳам ҳаракат қилиб кўрилади. Масалан, шарқшунос Н.Г. Маллицкий Яссавийга нисбат берилган ҳик-

<sup>49</sup> Туркистон вилоятининг газети, 1898. № 35; Туркестанские ведомости, 1898. № 64.

<sup>50</sup> Н.Остроумов архивида мусулмонларнинг кофирлар билан муқаддас жангига бағишланган рус матбуотида чиққан мақолалар сақланади (Дело №1009, оп. №1, пакет №2). Л.Н. Толстой рус матбуоти орқали 1898 йилги Андижон кўзғолони ҳақида маълумот олган (Болтабоев Ҳ. Ўша асар). Бу вақтда у «Хожи Мурод» қиссаси устида ишларди. Балки ёзувчи бу асарини яратишда Андижон воқеаларидан фойдаланган бўлиши мумкин.

<sup>51</sup> Туркестанские ведомости. 1898. 28 мая; Тагеев Б.Л. Ферганская область // Нива. 1898. № 26. С. 514; Правительственный вестник. 1898. № 115; 1899. № 124, 141.

<sup>52</sup> О священной войне мусульман с неверными (по случаю последних событий)//Туркестанские ведомости, 1898. № 77, 78.

матларидан бир мисра топиб, уни Дукчи эшон ҳақидаги пайғамбарона тарзда аввалдан айтилган фикр сифатида талқин қилади: «Туркистонлик авлиё буюк мутафаккир Аҳмад Яссавий ҳақ бўлиб чиқди: замонавий эшонлар, кўпгина ҳолатларда, манфаатпараст ва жоҳилликлари билан ажралиб турадилар. Пайғамбарларга хос тарзда айтилган «Анинг фитнаси Дажжолдин бадтар бўлмай» мисрасини мингтепалик эшонга татбиқ қилиш мумкин: «фитна» сўзи исён, қўзғолон маъноларини англатади»<sup>53</sup>. Н.Г. Маллицкий ушбу мисранинг таржимасини ҳам келтиради: «Унинг (Дукчи эшон) қўзғолони Дажжол (исёни)дан ҳам бадтароқдир».

Ўз вақтида Нодим Намангоний ҳам Дукчи эшонни Дажжол<sup>54</sup> ҳамда Фиръавн<sup>55</sup> деб атаганди. Чунки мусулмонлар учун бу икки образ буткул салбийлик касб этарди. Дажжол - сохта пайғамбар; Фиръавн - Қуръонда Юсуфни таъқиб этган шоҳ. Завқийда ва муаллифи номаълум биринчи шеърда Андижон қўзғолони кесатиқ билан ғазавот, деб аталади. Аноним шеърлардан бирида ғазавотни амалга ошириш учун халқ милтиқ, ошпичоқ, таёқ билан қуролланиб чиққанлиги ҳажв қилинади. Моҳиятан, буларнинг барчаси Туркистондаги расмий ҳокимиятнинг ўзбек тилидаги матбуотда билдирган фикрларини бошқа шаклдаги ифодаси эди<sup>56</sup>.

Шу ўринда ҳозиргача Андижон қўзғолонини ўрганувчи тарихчилар томонидан таҳлилга тортилмаган бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Рожий Марғилоний Дукчи эшоннинг шиялик мазҳабида, отасини бўлса Шугнондан (Помирдаги жой номи) деб, уларнинг ўша ерлик исмоилийларга оидлигига урғу беради<sup>57</sup>. Ўзининг иккинчи шеърда эса Дукчи эшон ўзини шияларнинг яширин имоми - Маҳди, деб кўрсатишга уринганлигини танқид остига олади<sup>58</sup>. Нодим Намангоний унинг даъволарини инкор этиш жараёнида Дукчи эшонни қизилбош (шияларнинг Ўрта Осиёдаги аталиши) ва эроний деб таърифлайди<sup>59</sup>. Учинчи аноним шеърда ҳам эшонга шу сифатлар берилган. Марғило-

<sup>53</sup> Маллицкий Н. Ишаны и суфизм // Туркестанские ведомости. 1898. № 72.

<sup>54</sup> ЎзРШИ-1, №4182, 83-бет.

<sup>55</sup> ЎзРШИ-1, №4179, 214-бет.

<sup>56</sup> Туркистон вилоятининг газети, 1898. № 32, 33.

<sup>57</sup> Бошқа маълумотларга кўра унинг аجدодлари Қошғардан бўлишган: Андижанское восстание 1898 г. // Красный архив. 1938. № 3 (38). С.145; Сайдаметов Д., Шляпников Н. Озодлик курашининг ёрқин саҳифаси...// Шарқ юлдузи. 1968, №7. 169-177-бетлар.

<sup>58</sup> Маҳди образи мусулмонлар орасида машҳур бўлган: Андижанское восстание..., С.124, 136

<sup>59</sup> ЎзРШИ-1, № 4182, 84-бет.

ний Андижон қўзғолонини 10 муҳаррам - шияларнинг муқаддас куни - ашурода рўй берганлигига диққатни жалб қилиши мобайнида, уни айни ўша ойда ўтказилувчи шахсей-вахсей - шияларнинг ўзларига бефойда азоб бериб, баданларини қонатиш маросимларига тенглаштиради<sup>60</sup>. Дукчи эшонни эроний (буни пирсиён ёки форс, деб ҳам ўқиш мумкин) ва қизилбош, деб эълон қила туриб, Нодим Намангоний, Рожий Марғилоний ва уларга эргашган аноним муаллиф бир нарсани таъкидламоқчи бўлганлар: Дукчи эшон бизлардан, яъни суннийлардан эмас - бегона. Эшоннинг Шуғнондан келиб чиқиши ва Помир билан алоқаларини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бу тахмин баъзи билвосита фактлар билан мустақкамланади. «Нива» журналининг 1898 йил сонларидан бирида келтирилишича, «Дукчи эшон келиб чиқишига кўра ўзбек бўлиб, ҳаж сафаридан сўнг Тожиқ номли қишлоққа кўчиб ўтган (Мингтепа номи остида бир неча қишлоқлар тушунилади) ва бу ерда 10 йил яшаган»<sup>61</sup>.

Фарғонада ўша даврларда жанубий тоғ районларидан кўчиб келган аҳоли «тожиқлар» деб аталган ва уларнинг миграциялари учраб турадиган ҳолат бўлган. Шарқшунос А.А. Бобринский таъкидлашича, «Бухоро, Ўш ва Қўқонда Шуғнон ва Воҳондан келган, асли исмоилий бўлган аҳоли мавжуд»<sup>62</sup>. Бундан ташқари, «исмоилий пирлар Фарғона водийсида ўз муридларига эга бўлганликлари» ҳақида асосли фикрлар мавжуд<sup>63</sup>. Шу ўринда бир мулоҳазани ўртага ташлашни лойиқ кўрдик. Маълумки, 1898 йилги Андижон воқеаларига гувоҳ бўлган Фозилбек Отабек ўғли уларни ёш болалигида кўрган. Унинг бу воқеаларга бағишланган машҳур хотиралари ҳаммага яхши маълум<sup>64</sup>. У Помир-Бадахшонга бевосита алоқадор ҳам бўлган. Ўз вақтида шарқшунос Аҳмад Заки Валидий Тўғон (1890-1970) Фарғона водийсидаги хусусий кутубхоналарда Мирза Санг Муҳаммад Бадахшийнинг «Тарих-и Бадахшон» («Бадахшон тарихи») номли асарини кўрганлигини таъкидлаб ўтганди<sup>65</sup>. Мазкур асар асосий нусхаси Бадахшоннинг 1068/1657-1658 йил-

<sup>60</sup> Verzeichnis..., P.120.

<sup>61</sup> Герцулин М. Я. Кишлак Таджики в Ферганской области // Нива. 1898. № 50. С. 991.

<sup>62</sup> Бобринский А. А. Секта Исмаиля в русских и бухарских пределах Средней Азии. М., 1902. С.7.

<sup>63</sup> Зайцев В. Н. Памирская страна – центр Туркестана. Историко-географический очерк // Ежегодник Ферганской области. Т. II. Новый Маргелан, 1903. С. 54.

<sup>64</sup> Замонавий нашри: Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи эшон воқеаси. Тошкент, 1992.

<sup>65</sup> Валидов А. З. Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного отделения Императорского русского археологического общества. Т. XXII. №3. СПб, 1915. С. 304; Санг Муҳаммад Бадахши. История Бадахшана. Изд. А.Н. Болдырева. Л., 1959.



лардан 1223/1808-1809 йилларгача бўлган тарихини ёритади. Айни асарнинг нусхаларидан бири Ўш шаҳрида яқунлаган бўлиб, энди унда ўлка тарихи давоми - 1223/1808-1809 - 1325/1907 йиллари бўлган воқеалар ёзилган эди. Бу қисм муаллифи ўша Фозилбек Отабек ўғли эди. У Мирза Фозил Алибек номи билан ҳам аталиб, «Сурхафсор» тахаллусига ҳам эга бўлган<sup>66</sup>. Фозилбек Андижондаги Дукчи эшон қўзғолони оқибатидаги қиргинлар вақтида Бадахшонга қочишга мажбур бўлган. Шуниси қизиқки, Дукчи эшон воқеаси ҳақида хотиралар ёзган Фозилбек айнан Бадахшонга, баъзи маълумотларга кўра, Дукчи эшон келиб чиққан ўша регионга қочган. Фикримизча, келтирилган фактларга суяниб, Дукчи эшон шахсияти ва фаолиятини унинг Помир билан алоқалари фонида ҳам тадқиқ қилиш керак.

Мана шундай мулоҳазалар мавжудлигига қарамай, ҳажвий шеърлар туркумидаги бош мавзу Дукчи эшон келиб чиқиши бўлмай, балки унинг шахсияти ва фаолияти танқидидан иборат. Эшон ҳар куни ўз хонақосида камбағал ва кам таъминланган оддий аҳоли учун зиёфатлар уюштирган ва уларга нарсалар улашган. Маҳаллий матбуот қўзғолонгача эшоннинг бундай саховатларини маъқуллаб материаллар эълон қилган<sup>67</sup>. Қўзғолондан кейин бўлса, уларни таъмагирлик сифатида баҳолай бошлаган. Дукчи эшон кароматгўйлик даъвоси ҳам унинг камчилиги сифатида кўрсатилади. Юқоридаги ҳамма шеърларда унинг каромат ва мўъжизалари сохта деб эълон қилинган. Бунинг учун уларни далиллари ҳам етарли эди. Завқий, Нодим Намангоний ва Рожий Марғилонийлар эшоннинг замонавий техник янгиликларни (оловсиз овқат пиширувчи қозонлар ва бошқалар) ўзининг мўъжиза яратиш қудрати сифатида тақдим этиб халқни алдаганлигини танқид қиладилар.

Шоир Сидқий Хондайлиқийни эслаганимиз ўз шеърида Дукчи эшон уюштирган бошқа бир тадбир ҳақида фикр юритади. Унга кўра эшон муридларига доимий олиб келинувчи совғалар турига қараб ҳар хил лақаблар бериб чиққан экан. Масалан, муридлардан бири От сўфи, бошқалари Туя сўфи, Гуруч сўфи ва шу каби исмлар билан аталган. Бу лақаблар эшонга келтирилган назр номидан келиб чиқарди: эшон олдига келган киши нима олиб келган бўлса, шу нарсага мос лақабга эга бўлган мурид уни ичкарига кузатиб кирарди. Масалан, қўй келтирган меҳмон билан Қўй сўфи номини олган мурид кирарди. Бу муриддини кўрган эшон ҳали олиб келинган қўйни кўрмай турибоқ, меҳмонга унинг қўй олиб

<sup>66</sup> Ахмедов Б. Предисловие // Санг Мухаммад Бадахши. Тарих-и Бадахшан. Материалы по истории Средней и Центральной Азии. X-XIX вв. Ташкент, 1988. С.321.

<sup>67</sup> Туркистон вилоятининг газети. 1898. № 12.



келганлигини айтарди. Одамлар кўзига бу авлиёлик, кароматдек кўри-  
нарди:

Бир киши бир нимарса келтурса,  
Кўю ё от англа, эй доно!  
Ширкат аҳлин бири бўлуб ҳозир,  
Кўйга қўй, отга от эди ҳампо.  
Бошлаб эшон қошига келтурғач,  
Юз суарди эшонбобо қўлига.  
Дер эди: «Кўй кетурдунгузму, кўзум?»  
Бас, каромат этар эди онда,  
Йиғлаб ойтурди: «Оре, эй тақсир».  
Айлағайсиз мени ҳаққимга дуо,  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Айни турдаги «каромат» ҳақида руслар учун ўзбек тили дарслиги ёзган шарқшунос П.Е.Кузнецов ҳам маълумот берган. У 1912 йили Сорбонада (Франция) «Марказий Осиёда цивилизациялар ва тиллар кураши» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади ва шу йили уни чоп эттиради. Мана шу нашрда Сидқий келтирган фактлар ундан бир неча йил аввалроқ П.Е.Кузнецов томонидан қайд этиб ўтилган<sup>68</sup>. Бу ҳақда Ҳ.Раззоқов ҳам маълумот бериб ўтган<sup>69</sup>.

Ана шундай турдаги эътирозлар ўринли савол туғдиради: Дукчи эшонни сўфий деб аташ мумкинми? Омма орасида эшоннинг обрўси жуда катта бўлган. Бироқ, зиёлилар эшонга камида ҳамдардлик билан қарашган. Бунга юқоридаги шеърларнинг умумий руҳи яққол мисол бўла олади. Мақоламиз бошида тилга олинган Муҳаммад Азиз Марғилоний эшонни бой бўлмаса ҳам қўли очик киши сифатида баҳолайди. Айни вақтда, уни оми дея, агарда саводи бўлганида шайтон йўлдан оздирмасди, деб афсусланади<sup>70</sup>. Ҳажвий туркум шеърларини яратган шоирларга келсак, уларнинг кўпчилиги эшонлар ёки сўфийлар муҳитига мансуб эдилар. Маълум бўлишича, Нодим Намангоний ва Султон Аҳмад эшонлар уруғидан чиққан. Рожий Марғилоний 40 йил Марғилон қозиси бўлиб ишлаган, Мавлавий Йўлдош Қўқоннинг диний авторитетларидан ҳисобланган. Дукчи эшон - Муҳаммад Али халифанинг паст та-

<sup>68</sup> Kouznetsov P. La lutte des civilisations et des langues dans l'Asie Centrale, Paris, 1912. P.187.

<sup>69</sup> Раззоқов Ҳ. Завқий ҳаёти ва ижоди. Тошкент, 1955, 34-бет.

<sup>70</sup> Тарихи Азий... 62-63-бетлар.

бақадан («қора суяк»<sup>71</sup>) чиққанлиги, унинг сўфийлик иерархияси шубҳали (масалан, шажарага эга бўлмаслиги) эканлиги дин пешволари ва оқ суякларнинг унга нисбатан салбий ва беписандона муносабатига олиб келганди. Нодим Намангоний шеърларида, ҳатто, Дукчи эшон фаолияти ислом дини ва сўфизм талабларига жавоб бермаслигига эътибор қаратганди.

Бошқа тарафдан, шуни ҳам унутмаслик керакки, Дукчи эшонга бағишланган юқоридаги шеърларнинг барчасида, қанчалик ғалати бўлмасин, доимо антиклерикал руҳ - диндан ўз манфаати йўлида фойдаланган дин пешволари танқиди мавжуд. Баъзи шеърларда, ҳатто антиклерикализм конкрет шахс танқидидан ҳам юқорироқ туради.

Шундай қилиб, ўша давр шоирлари бир овоздан Андижон қўзғолони ва унинг раҳбарини танқид остига оладилар. Бунга сабаб Туркистон ҳокимиятининг ҳар қандай йўллар билан бўлса ҳам эшонни халқ ва маҳаллий зиёлилар томонидан танқид қилинишига бўлган интилишининг ўзигина бўлмаган. Шоирлар бу йўналишдаги ҳажвий шеърларини яратишига чуқурроқ сабаблар бор, эҳтимол. Энг асосийси - ўздан сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан устунлиги аниқ бўлган мустамлака ҳокимият билан, вақтинча бўлса-да, мурсада, тинчликда яшаш мажбурияти. Мустамлакачиликнинг дастлабки йилларида қўлида қурол билан рус қўшинига қарши чиққан дин пешволари ҳам охир-оқибатда мавжуд шароитда мурсавий йўлларни излаш тузукроқ эканлигини англаганлар. Бунинг учун юқорида қайд этилганидек, ҳатто, диний асослар ҳам топилганди<sup>72</sup>.

Россия мустамлакаси Ўрта Осиё халқларига жуда кўп азоб-уқубатлар келтирганлиги аниқ бўлгани ҳолда, маҳаллий оқ суяклар ва зиёлилар бу тузумга қатъий қарши турмаганлар. Сабаби, мазкур шароит ўз хонлари давридаги давомсиз урушлар ва манфаатпарастлик йўлидаги ўзаро нифоқлар вазиятидан тузукроқ эди. Шароит нисбатан, мўътадиллашганди<sup>73</sup>. Буни кўрилган шеърий туркумда иштирок этганлардан Умидий-Ҳавоий ва бошқалар ҳам қайд этганлар<sup>74</sup>.

<sup>71</sup> А ба ш и н С. Ок-суяк // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып. 2. М., 1999. С. 75.

<sup>72</sup> Тухфа-йи Та'иб..., 8-10-бетлар.

<sup>73</sup> Мулла Олим Махдум Хожи. Тарихи Туркистон. Т. Алимардонов, Н. Абдулҳаким нашри. Тошкент. 1993. 98-99-бетлар; Мирзоолим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин (Қўқон хонлиги тарихи). А. Матғозиев, М. Усмонов нашри. Тошкент, 1995. 88-115-бетлар. Бу ҳақда тўртинчи аноним шеърда ҳам мулоҳазалар бор (Фонд И-1009, опись №1; дело №109а).

<sup>74</sup> Хожибоев Т. XIX аср ўзбек шоири..., 82-бет; Бу ҳақда тўртинчи аноним шеърда ҳам мулоҳазалар бор (ЎР Дава. Фонд И-1009, опись №1, дело №109, 26 б).

Албатта, зиёлилар ва диндорлар орасида қўзғолонни қўллаб-қувватлаганлар ҳам бўлган. Лекин улар фикрларини очиқ-ойдин билдира олмасдилар. Бундай қарашлар кўпроқ халқ оғзаки ижодида учраши мумкин. Чунки ўз ўғлонларидан айрилган, дўст-ёр ва қариндошларини қўзғолон туфайли қатл этилганини кўрган Туркистон аҳолиси чор мустамакчиларига қарши муносабатини шеърларида ифодалаган бўлиши керак. Бундай асос ва манбалар қўзғолонга муносабат манзарасини тўлдирган бўларди. Андижон қўзғолонига оид мана шундай манбаларни излаб топиш ва нашр қилиш галдаги вазифалардан саналади.

А. Эркинов

#### ДУКЧИ ИШАҢ И АНДИЖАНСКОЕ ВОССТАНИЕ 1898 ГОДА В ОЦЕНКАХ ПОЭТОВ ЭПОХИ

*В 1898 году в Андижане вспыхнуло восстание под предводительством Мухаммеда Али-халифы (1852 – 1898), более известного как Дукчи-ишан. Поэты эпохи дали свою оценку данным событиям и создали так называемый цикл стихотворений «Сатира на Дукчи-ишана», который включает 20 стихотворений общим объемом более 1500 строк. Деятельность ишана до восстания поэты-современники оценили как поиск выгоды для себя. Понаблюдав последствия восстания – казни, мучения и ссылки людей, они написали свои стихотворения. Существует и другое обоснование критики ишана: без легитимации он претендовал на духовное лидерство; недооценил свои силы в осуществлении борьбы против имперских властей. В статье приводятся сведения о данном сатирическом цикле.*

A. Erkinov

#### ANDIZHAN MUTINY (1898) AND DUKCHI ISHAN AS EVALUATED BY THE POETS OF THE TIME

*In 1898 Muhammad Ali-Khalifa (1852-1898) also named after Dukchi-Ishan had held a revolt in the town of Andijan. This event was described in a serie of poems called «Dukchi-Ishan's Satyre» (20 poems, 1500 verses). Poets were inspired by the consequences of the events such as punishments and torture. They also critic the fact that Dukchi-Ishan had no spiritual legitimacy. The article deals with the study of this serie of poems.*

*Т. Бобоматов*

## О ССЫЛКАХ И ЭТАПНЫХ ДВИЖЕНИЯХ В ТУРКЕСТАНСКОМ ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРСТВЕ

С завоеванием Туркестанского края и установлением колониально-го режима царизм приступил к созданию системы репрессивных органов. К 60-м годам XIX в. карательная система царской России предусматривала следующие виды уголовных наказаний: смертная казнь; каторга, назначаемая бессрочно или на срок с последующим переводом на поселение; ссылка на поселение без срока; заключение в исправительный дом; заключение в крепость; заключение в тюрьму; арест; денежный штраф.

С первых же дней установления колониальной системы государственного управления генерал-губернатор имел право «неблагонадежных киргиз и кокандцев», подозреваемых в преступлениях, при отсутствии законных доказательств ссылать по «нравственному убеждению»! Он обязан был докладывать о каждом ссыльном Министру внутренних дел, однако это положение не исполнялось. Административная высылка осуществлялась по общественным приговорам и по усмотрению генерал-губернатора, нередко основываясь на ходайствах уездных начальников, в которых встречались «лишь общие голословные выражения о вредности лица, вместо фактов, ... доказывающих политическую неблагонадежность»<sup>1</sup>. Произвол был узаконен как молчаливым одобрением любого незаконного действия начальства и безнаказанностью за него, так и непосредственно в правовых актах. Один из наиболее ранних документов – циркуляр под названием «Временные правила о содержании предназначенных к ссылке» от 13 июня 1880 г., который содержал в основном правила пересылки арестантов по политическим делам. В 1907 г. был издан «Устав конвойной службы». Отсутствие других нормативных документов давало возможность колониальным властям действовать по своему усмотрению.

По признанию сенатора тайного советника Гирса, командированного для ревизии Туркестанского края, царские чиновники предполагали, что казии и бии будут интриговать и активно пользоваться правом высылки, которое раньше не применялось. Между тем представители

---

<sup>1</sup> Отчёт о состоянии Туркестанского края, составленный сенатором тайным советником Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению. В 2 частях. СПб., 1883. С. 27-30.



коренного населения «пользуются предоставленным им законом правом с большой осмотрительностью и прибегают к этой тяжелой мере в самых редких случаях. Они, видимо, смотрят на высылку как на единственное средство избавиться от вредных людей»<sup>2</sup>.

В «Положении о полицейском надзоре» утверждалось, что ссылка и полицейский надзор – не наказание за совершённые преступления, а меры для их предотвращения. Если наказание преследовало цель исправить преступника, то оно было совершенно неприемлемо для представителей коренного населения. Ссылка зачастую не только полностью подрывала свое здоровье, многие из них попросту погибали. Они не могли приспособиться к сибирским условиям и ввиду незнания языка. Ссылка на несколько лет в Сибирь считалась страшным наказанием и казии составляли такого рода приговор неохотно. Поэтому к ссылке обычно приговаривались только безнадежно испорченные члены общества, от которых отказались и родственники, и односельчане. Вместе с тем следует отметить, что казии относились к преступникам с большей строгостью, чем бии. К примеру, если за 1880–1882 гг. судом казиев были приговорены к ссылке 34 человека, то суды биев, никогда не использовавшие такой вид наказания, как тюремное заключение, по обычаю оканчивали расчеты сделками на деньги или на скот (кун)<sup>3</sup>.

Ссылка в Сибирь была прерогативой исключительно колониальных властей. Мнение представителей коренного населения о ссылке в расчёт не принималось. Из 27 лиц, приговоренных к ссылке в Сибирь «народными» судьями, губернатор утвердил решения только относительно 3<sup>4</sup>. Например, жители и аксакалы Шахрихана обратились с просьбой к начальнику Маргиланского уезда о ссылке из края некоего Нур Магомеда, а уездный начальник освободил его из-под стражи на поруки. Назначенная чувскими казиями ссылка пятерых местных жителей за изнасилование была заменена 7-месячным арестом. Приговоренный маргиланскими казиями к ссылке в Сибирь за оскорбление мусульманской религии, являвшееся по шариату величайшим преступлением, освобожден на основании ненаказуемости такого рода преступления по имперским законам<sup>5</sup>.

<sup>2</sup> Там же, С. 28.

<sup>3</sup> Туркестанский сборник. СПб., 1908. Т. 481. С. 7.

<sup>4</sup> См.: Туркестанский сборник. СПб., 1908. Т. 481. С. 8-10.

<sup>5</sup> Отчёт о состоянии Туркестанского края, составленный сенатором тайным советником Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению. СПб., 1883. С. 113.

Нередко к ссылке или к каторге приговаривались ни в чём не повинные люди. За 1870-1881 гг. из Туркестанского края в административном порядке были высланы 104 коренных жителя, из которых 37 возвращены за отсутствием вины. Генерал-губернатор, в отличие от «народного» суда, часто прибегал к этой мере наказания без должных на то оснований. Например, Кауфман выслал в Сибирь на поселение даже душевнобольного Шакира Дивана!

За 1879-1881 гг. из Туркестана по общественным приговорам были высланы 33 представителя местной национальности (таблица).

Данные о высылке людей из Туркестана

Область	1879 г.	1880 г.	1881 г.	Всего
	Количество людей			
Сырдарьинская	5	1	1	7
Ферганская	4	2	5	11
Зарафшанский округ	10	5	—	15
Амударьинский отдел	—	—	—	—
Всего	19	8	6	33

Количество ссыльно-каторжных, ссыльных и пересыльных из года в год неуклонно увеличивалось. К примеру, число отправленных по этапу только из самаркандской тюрьмы в 1895 г. составило 252 человека<sup>6</sup>.

В России и Сибири существовали этапные здания для ссыльных, чего не было в Туркестане. Партии пересыльных арестантов комплектовались в ташкентской тюрьме и через Чимкент и Аулие-ата по степи пешим ходом пересылались в Сибирь. Лица, следующие с этапом, были вынуждены ночевать по два месяца, а то и более, под открытым небом и в зной и в холод. Питание почти отсутствовало: по данным 1882 г., на пересыльных выдавалось только по 14 копеек в день на человека<sup>7</sup>. На эти деньги в степи невозможно было купить и запастись хлебом, так как от одного города до другого приходилось идти более 10 – 15 дней.

К 1882 г. от Казалинска до Петро-Александровска не было ни этапных помещений, ни караван-сараев. В связи с увеличением количе-

<sup>6</sup> ЦГА РУз, ф. И-1, оп. 1, д. 4359, л. л. 5-9 об.

<sup>7</sup> Туркестанский сборник, 1882. Т. 298, С. 110.

ства ссылаемых в Сибирь в этом году рассматривался вопрос об устройстве этапных помещений в Сырдарьинской области. Планировалось строительство этапных зданий в 40 местах.<sup>8</sup> В докладе по Канцелярии Туркестанского генерал-губернатора о постройке помещений для этапов и проходящих войск от Ташкента до Верного предлагалось возводить простые караван-сарай силами местных жителей. Содержание такого типа этапных зданий предполагалось возложить опять-таки на местное население. Азиатская часть Главного штаба Военного министерства распорядилась о передаче 33 196 рублей на устройство этапных помещений в Туркестане и ещё дополнительно для этих целей 6 830 рублей на Сырдарьинскую область<sup>9</sup>. В 1887 г. в Сырдарьинской области построили 11 этапных помещений на почтовых станциях Ташкентско-Аулиеатинского тракта. Аулие-ата – конечный пересыльный пункт Туркестанского края по дороге в Сибирь, в зимнее время здесь накапливалось особенно большое количество пересыльных.

1907 йил 30 октябрь куни министрлик: «Россия ҳудудида кўчмас мулкка эгаллик қилувчи жамият бошлиқлари фақат яҳудий динига мансуб бўлмаган шахслар бўлишлари мумкин» деган қарор чиқарган<sup>9</sup>. 18 декабрь куни эса Николай II нинг имзоси билан Савдо ва саноат министрлиги орқали Франция, Англия, Германия ва Бельгия давлатларининг акциядорлик жамиятларини Россия ҳудудида иш олиб боришига рухсат берилди<sup>10</sup>.

1885 йили Самарқанддан Фарғона водийси томон темир йўлини давом эттириш лозимлиги ҳақидаги фикрларни, аввало нефть ширкатлари билдирган. Лекин Россия ҳукумати маблағ масаласини рўкач қилиб, қурилишга эътироз билдирган. Шунда нефть ширкатлари раҳбарларининг ҳомийлигида тузилган лойиҳалар билан темир йўл излари 1899 йили Андижонгача қуриб борилган. Зотан, фойдаланишга топширилган темир йўлдан дастлаб Боку, Челекен нефти Фарғонага, саноат эҳтиёжлари учун АҚШда ишлаб чиқарилган икки ўқли нефть

<sup>7</sup> Особый журнал Совета Министров. №20, от 13 июня 1907 года // Особые журналы Совета Министров Царской России. 1907 г. Кн. I. Ч.2. М.: Институт истории СССР АН СССР, 1985. С.104–113.

<sup>8</sup> Особый журнал Совета Министров. №12, от 13 июня 1907 года // Особые журналы Совета Министров Царской России. 1907 г. Кн. I. Ч.2. М.: Институт истории СССР АН СССР, 1985. С.62–63.

<sup>9</sup> Особый журнал Совета Министров. №107, от 30 октября 1907 года // Особые журналы Совета Министров Царской России. 1907 г. Кн. IV. Ч.2. М.: Институт истории СССР АН СССР, 1985. С.684–685.

<sup>10</sup> Особый журнал Совета Министров. №125, от 18 декабря 1907 года // Особые журналы Совета Министров Царской России. 1907 г. Кн. V. Ч.2. М.: Институт истории СССР АН СССР, 1985. С.786–790.



цистерналарда олиб келинган бўлса, 1904-1905 йилларда водий конларидан нефть қазиб чиқариш ривожлангач, Фарғона нефти маҳаллий эҳтиёжлардан орттириб, Туркменистон орқали Шарқ бозорига олиб кетилган, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмида Озарбайжон, Туркменистон конларидан қазиб олинган нефть турли нефть ширкатлари томонидан Каспий денгизи орқали Эронга, бу жойдан эса денгиз орқали Ҳиндистон, Хитой, Япония каби давлатларга олиб борилиб, юқори баҳоларда сотилган.

1883 йили Туркистон ўлкаси бўйича биринчи бўлиб тузилган «Ўрта Осиё тоғ-кон саноати ширкати» нефть соҳаси билан эмас, балки Исфара ҳудудида кўмир қазиб олиш билан шуғулланган<sup>11</sup>. Лекин унинг фаолияти узоққа бормай тўхтаган. Шундан кейин ширкатлар тузиш ҳаракатлари, юқорида келтирилган сабабларга кўра, деярли XX аср бошларигача бўлмаган. Бироқ, бу давргача Фарғона водийсида империя ҳукумати ҳамда хусусий ширкатлар томонидан олиб борилган текширувлар баъзи жойларда катта миқёсда нефть ҳавзалари мавжудлигини, Челекен оролида ва Фарғона водийсининг Чимён ҳамда Мойлисой ҳудудларида эса ҳатто нефть фавворалари отилиб чиққанини аниқладилар. Хусусан, 1896 йилда геолог В.Бер Марғилон, Андижон музофотларида нефть учун геологик изланишлар олиб борди<sup>12</sup>. 1898 йили Туркистон генерал-губернатори девонхонаси зодагон Корбут-Дашкевичга Яйпан туманида ва Чимёнга яқин Бискон ҳудудида\*, 1901 йили инженер Сливинскийга Чимён ҳудудидаги Ерқўтон, Кўтарма қир-адирликларда нефть ишларини олиб боришга рухсатномалар берган<sup>13</sup>. 1894 йили Молия министри Туркистон генерал-губернаторига хат жўнатиб, 1896 йилда ўтадиган Бутунроссия саноати ва бадий кўргазмасида «Туркистон бўлими»ни жиҳозлашни, бунда «Нефть» деб номланган стендада экспонатлар бўлиши кераклиги ёзилган<sup>14</sup>. 1896 йил февраль ойида Қўқон ва Наманган музофотларидан олинган нефть намуналари кўргазма ўтадиган Нижний Новгородга юборилган<sup>15</sup>. Бу кўргазмада рус тадбиркорлари ва нефть фирма эгаларида Фарғона нефти катта қизиқиш уйғотган, албатта. 1900 йили Парижда ўтказилган Бутунжаҳон

<sup>11</sup> ЎзР МДА, 1-фонд, 15-рўйхат, 414-иш, 54-варақ.

<sup>12</sup> Бер В. Заметки об экскурсии в Ферганскую область // Протоколы заседаний Казанского общества естествоиспытателей, 1897-98 год. XXIX. Казань, 1899. Приложение №170. С.4.

\* Ўша жойда, 19-фонд, 1-рўйхат, 25470-иш, 15-варақ.

<sup>13</sup> ЎзР МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 71-иш, 6-варақ орти.

<sup>14</sup> Ўша жойда, 41-фонд, 1-рўйхат, 88-иш, 2-8-варақ.

<sup>15</sup> Ўша жойда, 52-варақ.



кўргазмасидаги «Рус бўлими» учун ҳукуматнинг топшириғига биноан империя ҳудудида мавжуд бўлган фойдали қазилмалар ҳақида ёзилган китобда Фарғона нефти тилга олинганлиги ҳам бежиз эмасдир<sup>16</sup>.

Тоғ-кон ишларини олиб боришга рухсат сўраб ёзилган аризалар билан 1893-1901 йил 16 ноябргача Туркистон генерал-губернатори девонхонаси, ундан кейин эса Ер ишлари ва Давлат мулки бошқармаси шуғулланган. 1901-1907 йиллар мобайнидаги ҳужжатларнинг кўп қисмида, бир ерга ёзилган сўровнома, аризачининг ишончли вакилини ҳужжатларига қўшиб қўйилган<sup>17</sup>. Бундай салбий аҳвол ҳақида 1901 йил 20 март куни Тоғ-кон департаменти (Петербург)га ёзилган хатда: «Ер ва Давлат мулк бошқармасида таниш-билишчилик, порахўрлик оқибатида аризалар кўп ҳолларда бошқа кимсаларга сотиб юбориляпти. Пален ревизияси буларни фош этишига, бир неча амалдорлар қамалишига қарамай аҳвол ўзгармаяпти. Бошқарма бошлиғи ўзича ишларни ҳал қилади, ҳозиргача фойдали қазилмаларнинг харитаси чизилмаган, чунки бу иш бошқарма учун ортиқча ташвишдир» дейилган<sup>18</sup>.

1901 йили Мойлисойнинг шимолий томонида жойлашган табиий нефть булоқлари ёнларида инженер Леонов бошчилигида, давлат ҳисобидан қудуқ қазила бошланган. Оқибатда 168 м чуқурликдан бир суткада 25 т нефть чиқувчи фаввора отилган. Бу воқеа таъсирида 1903 йили 2 та рус ва инглиз фирмалари нефть конини жиҳозлаганлар. Лекин дастлабки қазилган 6 та қудуқдан сув чиққач, кейинчалик ҳам, яъни 1911 йилгача қазилган қудуқлардан натижа бўлмагач, ҳамма конларда ишлар тўхтаган, 1915 йили эса кон ишлари умуман тарқатилиб, йўқ бўлган<sup>19</sup>.

Қўқонлик немис савдогарлари А.И.Зигел ва К.Ф.Рейнсгагенларнинг фаолиятлари ҳам нефть билан боғлиқ бўлган. Жумладан, А.И.Зигел 1905 йили «Чимион» нефть жамияти бошқарувининг аъзоси ҳисобланган. Иккаласи 1905 йил 7 май куни Устави тасдиқланган «Андреев савдо-саноат ширкати»нинг Конибодом участкасида директорлик қилганлар. Қирқўғил волостининг Мойлисой ҳудудидаги ҳар бири 10 га (10 дес.)ни ташкил қилувчи 2 та майдонда нефть қазиб олиш, уни иш-

<sup>16</sup> Окраины России. Сибирь, Туркистон, Кавказ и полярная часть Европейской России. СПб, 1900. С.287.

<sup>17</sup> Пален К. К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по высочайшему повелению сенатором графом К.К. Паленом. Вып. 1-19. СПб // Горное дело. 1910. Вып. 17. С.66.

<sup>18</sup> ЎзР МДА, 1-фонд, 13-рўйхат, 805-иш, 7-варақ.

<sup>19</sup> Агишев А. П. и др. Нефтяная промышленность Средней Азии. Коканд, 1958. С. 11.

лаш, нефть ва унинг маҳсулотлари савдоси учун 1910 йил 20 октябрь куни «Зигел ва Рейнсаген савдо уйи» тузилган. 1911 йил 12 сентябрда улар генерал-губернатордан «Мойли-Сой» нефть саноати акциядорлик жамиятининг Уставини тасдиқлаб беришни сўраб, ариза ёзганлар<sup>20</sup>.

Тоғ-кон идораси Туркистон ўлкасидаги нефть манбаларини аниқлашни тадбиркорларга ишонч билдирмай 1903 йили Мойлисой бўйида давлат ҳисобидан нефть учун қудуқ қазишга фармойиш берди. Натижада, 167 м чуқурликда нефтнинг катта оқимига дуч келинган, кейинчалик эса нефть фаввора бўлиб отилиб, бир суткада 327 т 600 кг (20 минг п.) нефть чиққан. Шу сабабдан 1904 йилнинг охирида Фарғона область бошқармаси ушбу 400 дес. (400 га) майдонли ҳудудни 40 дес. (40 га)дан ер ажратиб, хусусий тадбиркорларга бермоқчи бўлган<sup>21</sup>. Лекин бу масала 1904 йил 13 декабрь куни Ер ишлари ва Давлат мулк ва Молия министрларининг шунингдек, давлат назоратининг махсус кенгашида кўриб чиқилган ва Мойлисой бўйларининг нефтьга бой ҳудуди 10 дес. (10 га)да ажратилиб, ким ошди савдоси орқали хусусий тадбиркорларга бериш қарор қилинган. Бунда фаввораси отилиб чиққан 40 дес. (40га)ли майдон махсус шартлар билан ижарага бериш кўзда тутилган. Қўйилган шартлардан бири - тадбиркор ўз ҳисобидан конни темир йўл билан боғловчи нефть қувурини қуриши керак бўлган<sup>22</sup>.

Тоғ-кон департаменти томонидан бу хусусда нефть фирмаларига, молиявий бақувват бўлган тадбиркорларга мурожаат қилди. «Москва-Кавказ» ширкати, «Нефть» рус ширкати ва тадбиркор генерал фон-Транзелар ушбу шартларнинг қийинлигини билдирганлар. 1906 йил 30 декабрь куни Министрлар Совети янги шартларни ишлаб чиқди ва унда гаров пули 200 минг рублдан 50 минг рублга камайтирилди; нефть қувури қурилиши 3 йилдан 5 йилга қадар узайтирилди; нефть қувурини фойдаланишга топширилгач, 24 йилдан кейин эмас, балки 40 йилдан кейин қувур давлат ихтиёрига ўтказилади, деб белгиланди<sup>23</sup>.

Министрлар Советининг ўзи Россияда тузилган акциядорлик жамиятларни, гарчи акцияларини кўпи хориж банклариди турган бўлса ҳам, Мойлисойдаги ишларга таклиф қилди. Бундайларга, масалан, акциялари асосан «Ротшилд савдо уйи» (Париж) ихтиёрида бўлган «Каспий-Қора денгиз нефть саноати ва савдо жамияти» кирган. Тоғ-кон

<sup>20</sup> ЎзР МДА, I-фонд, I7-рўйхат, 894-иш, 3-4 варақ орти.

<sup>21</sup> Особый журнал Совета Министров. № 37, от 13 июля 1907 года // Особые журналы Совета Министров Царской России. 1907 год. Кн. II. Ч. 2. М. 1985. С. 217–221.

<sup>22</sup> Ўша жойда, 222-бет.

<sup>23</sup> Ўша жойда, 224-бет.

ишларига мутасадди бўлган Савдо ва саноат министрлиги бунга мувофиқ, Мойлисой ҳудудини ижарага бериш масаласини кўриб чиқиш учун хусусий тадбиркорлар ва фирмалар билан бирга мазкур жамиятни шунингдек, Туркистон ўлкасида масъул лавозимларда ишлаб кетган статс-секретар княз А.Хилковни чақиртирди. Йиғилишда фақат барон Волф билан бирга генерал фон-Транзе ва А. Хилковлар иш олиб боришга розилик билдирдилар.

Давлат режаси бўйича нефть қузури Мойлисойдан бошланиб, 75 верст (80 км) узоқликдаги Андижон темир йўл станциясигача ётқизиши керак бўлган. А.Хилков бу қувурни Қўқон шаҳригача ётқизишни таклиф этган. А.Хилков 59 минг рубль пул ўтказганлиги учун 1907 йил 11 август кунги Николай II нинг имзоси билан унга Мойлисойдаги давлат тасарруфидаги 40 га нефтли ҳудуд савдога қўйилмай ижарага берилган<sup>24</sup>. А.Хилков ўзининг Мойлисой нефть участкасида икки йил давомида юклатилган вазифани бажармаганлиги сабабли, Савдо ва саноат министрнинг 1909 йил 20 август кунги кўрсатмаси билан нефть участкаси камергернинг аёли - О.Валуевага олиб берилган. 1910 йили эса бу хоним, тақиқловчи қоидага хилоф равишда нефть участкасини инглиз акциядорларига сотиб юборган. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, кўплаб нефть фирмалари учун Россиянинг чекка ўлкаси ҳисобланган Фарғона нефтига таваккал қилиб, маблағ сарф қилгунча Бокудаги нефть конларига маблағ ўтказишни афзал билишган.

1898 йили Мелниково (ҳозирги Конибодом) темир йўл станциясидан 20 км узоқликда жойлашган Селроҳодаги қадимги нефть конларида инглиз маблағи ҳисобига нефть қазиб олиш ишлари бошланган<sup>25</sup>. 1906 йили инглиз ширкатларининг вакили Н.Цуханов бошчилигида «Ўрта Осиё нефть саноатининг «Н.Цуханов ва К°» ишонч ширкати» («...Товарищество на вере») тузилган. 1907 йил 27 декабрда Селроҳо, Оққўлмак ва Ерғи қир-адирликларида жойлашган 5 та нефть конларини бирлаштирувчи «Ўрта Осиё нефть саноати ширкати» («Средне-Азиатское нефтепромышленное товарищество»; аббревиатураси - «САНТО») ташкил топган<sup>26</sup>.

<sup>24</sup> Ўша жойда, 225-бет.

<sup>25</sup> Эвентов Л. Я. Иностранный капитал в нефтяной промышленности России (1874-1917). М.-Л.: Плановое хозяйство, 1925. С.62.

<sup>26</sup> ЎзР МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 218-иш, 10-варақ; Отчёт ... Палена, С.80. (Н.Н. ва А.Н.Цухановлар САНТОда совет даврининг дастлабки йилларида ҳам Бошқарувчи-директор, Бошқарувчи тоғ-кон инженери вазифаларида ҳамда Туркистон АСРнинг ЖКСда масъул лавозимларида ишлаганлар - Ж.И.).



Инглиз капитали билан таъминлаб турилган «Рус Бош нефть корпорацияси» ушбу ширкатдан нефть сотиб олиб, уни «Савдо жамияти» деб ўз тасарруфига тортиб олган<sup>27</sup>. 1908 йил 25 январь куни ушбу жамиятнинг Устави тасдиқланган ва у энди «САНТО» Ўрта Осиё нефть саноати ва савдоси акциядорлик жамияти» («Акционерное Средне-Азиатское нефтепромышленно-торговое общество «САНТО») деб номланган. Жамиятнинг мақсади - Н.Цухановнинг «ишонч ширкати»га қарашли нефть конларини эгаллаш, Ер ишлари ва Давлат мулки бошқармаси томонидан берилган рухсатномалар билан Қўқон уездининг 62,7 га худудида нефть конларини аниқлаш ҳамда 1912 йил 10 сентябрь куни Министрлар Совети томонидан тасдиқланган Низомга кўра, Қўқон уездига яқин 8 га ер майдонини ўз тасарруфига олиш бўлган.

1908 йил 7 февралда жамият, асосан Москвада тўплаган 500 минг рублли капитали билан иш бошлади. Декабрь ойида 84 м га яқин чуқурликда нефть қудуғи қазилганда, дизель моторининг бузилиб қолганлиги учун ишлар тўхтаган<sup>28</sup>. 1912 йилда тақдим этувчиларга акция чиқаришга рухсат берилган. Ноябрь ойида «Рус-Осиё банки» янги нефть худудларни молиявий тазйиқ остида босиб олиш ва бошқа нефть фирмаларнинг нефть қазиб олишга йўл бермаслик мақсадида жамиятнинг янги акция капиталини кўпайтирган, 2 та аъзосини жамият бошқармаси таркибига киритган<sup>29</sup>. Айтиб ўтиш даркор, 1910 йили «САНТО» ва ижарачи «Влад. Алексеев-Селроҳода» ширкати хилқ қазиб олиш билан ҳам шуғулланганлар<sup>30</sup>. «Владимир Алексеев» (Станиславский) ширкати 1906 йили ташкил топган. У «САНТО»нинг ғарб томонида жойлашган Селроҳо худудидаги 6 та нефть қудуқлари мавжуд бўлган 8 та иш олиб бориладиган майдонга эга бўлган.

1908 йилларга келиб 700 минг рубль сарф этиб, ҳеч қандай фойда олмаган «Риштон», «Туркистон ширкати» ва «Битум» нефть фирмалари ўз фаолиятларини тўхтатганлар<sup>31</sup>. «Риштон» ширкатининг фаолияти давомида Риштон даштлигида қидирув ишлари олиб борилиб, фақат битта нефть қудуғи қазилган холос. Маблағни камлиги боис, нефть қатламига етмай ишлар ташлаб қўйилган<sup>32</sup>.

<sup>27</sup> Эвентов Л. Я. Ўша асар, 85-89-бет.

<sup>28</sup> Отчёт ... Палена, С.80-81.

<sup>29</sup> Монополистический капитал в нефтяной промышленности России. 1883-1914. Документы и материалы. М.-Л.; Наука, 1961. С.545,656,732.

<sup>30</sup> Отчёт ... Палена, С.102.

<sup>31</sup> Ўша жойда, 82-бет.

<sup>32</sup> Ўша жойда, 83-бет.



1916 йили Туркистон ўлкаси бўйича 25 та акциядорлик компаниялари мавжуд бўлиб, уларнинг 9 таси нефть қазиб чиқариш, нефть ва унинг маҳсулотларини савдоси билан шуғулланган (қуйида уларнинг рўйхати даврийлик асосида келтирилган):

1. «Чимион» Фарғона нефть ва тоғ-кон саноати акциядорлик жамияти» (1900 йили асос солинган);

2. «Андреев савдо-саноат ширкати» (Устави 1905 йил, 7 майда тасдиқланган);

3. «САНТО» Ўрта Осиё нефть саноати ва савдоси акциядорлик жамияти» (Устави 1908 йил, 25 январда тасдиқланган);

4. «Челекен нефти» нефть саноати жамияти» (Устави 1908 йил, 11 апрелда тасдиқланган);

5. «Сарухан-Кура акциядорлик жамияти» (Туркменистон; Устави 1909 йил, 23 январда тасдиқланган);

6. «Шагирт» акциядорлик жамияти» (Туркменистон; Устави 1909 йил, 28 июлда тасдиқланган);

7. «Масъулияти чекланган Фарғона нефть саноати жамияти» (Россия министрлар совети ушбу инглиз молияси тасарруфидаги жамиятга 1910 йил, 1 декабрь куни тасдиқланган Низоми билан Мойлисой ҳудудида иш олиб боришга рухсат берган);

8. «Мойли-Сой» нефть саноати акциядорлик жамияти» (Устави 1912 йил, 8 мартда тасдиқланган);

9. «Масъулияти чекланган Челекен нефть саноати жамияти» (Россия министрлар совети ушбу инглиз молияси тасарруфидаги жамиятга 1912 йил, 19 декабрь куни тасдиқланган Низомига кўра туркманлар билан тузилган ижара шартномалари асосида иш олиб боришга рухсат берган).

Мазкур 9 тани ичидан 5 таси (тартиб рақамлари: 1,2,3,7,8) Фарғона водийсида фаолият олиб борган.

Хулоса қилиб айтсак, мазкур йилларда мустамлакачиликнинг нефть саноатидаги талон-тороғлик сиёсатини кўришимиз мумкин. Нефть конлари ва нефть қидириш ишларини тақсимланишини, империя ҳукумати томонидан ўзига у ёки бу даражада яқин бўлган шахсларга улашган. Ваҳолонки, уларнинг ўзлари конларни топиш, ишга тушириш билан мутлақо шуғулланишмаган; улар арзимаган пулга ё текинга келган заҳирали ерларни акциядорларга, у ҳам бўлса хориж билан боғланган шахсларга катта пул эвазига сотганлар.

1898 йили Фарғона водийсига кириб келган темир йўли том маънода хориж капиталини ҳам ўзи билан олиб кирди. Шу йиллардан бошлаб конлардаги ишларга, уларнинг молиявий эҳтиёжларига хориж

капиталистлари аста-секин аралаша бошлаганлар. Бу эса аёнки ҳукуматга ёқмаган. Жумладан, генерал-губернатор Иванов 1901 йили Қўқон музофотида хориж капитали билан шерикликда қурилган мис заводи ишга тушганлиги ҳақида Россия Ҳарбий вазири Куропаткинга хат ёзади. Вазир 1902 йил 29 сентябрда эса маҳфий муҳри билан қуйидаги жавобни ёзган: «... хориж капиталининг фойдали эканлигига қўшилиб бўлмайди. Бу капиталнинг ишлатилиши туфайли, рус кишиларининг тўкилган қони эвазига босиб олинган Туркистон ўлкаси чет эл ва яҳудий кишиларининг қопқонига тушиб қолади. Туркистоннинг яширин қуввати ва ер ости бойликлари майли бугун очилмасин, лекин у эртага ўз эгаси томонидан, яъни рус кишилари томонидан очилиши керак ва улар рус кишиларининг кучига ва фойдасига хизмат қилиши шарт. Хориж капитали билан мавжуд бўлган баландпарвоз корхоналардан, айниқса эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки бунда ҳеч қандай хориж капитали сарф бўлмай, чет эллик «тадбиркор»-аферистлар русларнинг ишончига кириб олиб, мол-мулкни тортиб олади ва сўнгра корхоналарини секингина тарқатиб юбордилар»<sup>33</sup>.

1904-1905 йиллардаги рус-япон урушида Россиянинг мағлубиятидан кейин Европанинг молиявий сармоялари Туркистон ўлкасига, айниқса Фарғона водийсига кириб келиши жадаллашди. Хориж капиталининг кучайиб кетаётганлигидан хавфсираган Туркистон генерал-губернатори Самсонов 1911 йили: «ўлкадаги кўпгина корхоналар русларнинг эмас, чет элликларнинг қўлига ўтяпти»<sup>34</sup>, деб ёзган.

Мазкур маълумот негизида саноатга хориж капиталининг кириб келаётганлигидан империя маъмурларининг хавотирланаётганлигини ва Туркистонни «фақат руслар учун» сақлаш йўллари қидирганлигини сезишимиз мумкин. Лекин бу воқеликларни умумий тарзда олиб таҳлил қилсак, Туркистон иқтисодиётида туб ерлик ва рус сармоядорлари томонидан тузилган барча турдаги ширкатларнинг иқтисодий салоҳияти хориж молияси билан боғлиқ ширкатлардан анча кучсиз эди. Бу жиҳатни ҳукумат тан олишга мажбур эди, бинобарин, у чет эл капиталистлари билан ўзаро келишувчилик йўлини тутган ва биргалашиб Туркистон ўлкасини ер усти ва ости табиий бойликларини, хусусан Фарғона нефтини талон-тарож қилган.

<sup>33</sup> ЎЗР МДА, 1-фонд, 24-рўйхат, 1188-иш, 76-варақ

<sup>34</sup> ЎЗР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 27820-иш, 3-варақ.

И. Жамолхожи

### ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ РОССИЙСКИХ И ИНОСТРАННЫХ НЕФТЯНЫХ КОМПАНИЙ В ТУРКЕСТАНЕ

*В статье освещается деятельность российских и иностранных нефтяных компаний в Туркестанском крае. На основе опубликованной в колониальный период литературы и особенностей архивных материалов отражены процессы проникновения в нефтяную промышленность захватнической политики и хищнической эксплуатации нефтяных месторождений Ферганской долины.*

I. Jamolkhoji

### THE ACTIVITY OF RUSSIAN AND FOREIGN OIL COMPANIES IN TURKESTAN

*In this article examines the oils employment, extracted in Turkestan. In the base of the published literature in the colonial period in article investigated the activities of local oil-industry workers, methods of the extraction and first attempts of the distillation of the kerosene from oil and other oil products. In conclusion by author have been made the inference that by Russian and foreign companies was created the base of the oil industry, was accumulated that experience for the subsequent improvement in the extraction of the minerals in the depths of Fergana valley.*

*Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар*

**«ЎЗБЕКISTONДА ТАРИХ ФАНИ (ТАРИХШУНОСЛИК  
ЎҚИШЛАРИ - 2003)» РЕСПУБЛИКА  
КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҲАҚИДА**

2003 йил 2-3 декабрь кунлари анъанавий бўлиб қолган. Шу куни Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик ўқишлари - 2003)» республика конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман ЎзР ФА Тарих институтининг «Тарихшунослик ва манбашунослик» бўлими томонидан ташкиллаштирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Тарих институтининг 60 йиллигига бағишланди. Ўқишларда асосий эътибор Ўзбекистонда тарих фанининг тарихи, унинг муаммовий тарихшунослиги ва методологик масалаларига қаратилди. Анжуман республика миқёсида ўтказилган бўлса-да, унда Германия, Франция, Япония, Россиядан келган тарихчилар ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

ЎзР ФА вице-президенти Т.М. Мирзаев конференцияни кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда тарихшунослик тадқиқотларининг аҳамияти ортиб бораётганлиги, ҳар бир давр адабиётларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўрганиш тарих фанининг тарихини объектив манзарасини очиб беришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ўқишлар 6 шўъбага бўлиниб, уларда 90 дан ортиқ маъруза тингланди. Иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари таққосланиб, Ўзбекистон тарих фани тарихининг муҳим жиҳатлари, ўз тадқиқотчиларини кутаётган муаммолари аниқланди. Асосий маърузалардан бири ЎзР ФА Тарих институти директори, профессор Д.А. Алимованинг маърузаси «Тарих фанининг ғоявий ва илмий маркази» деб номланиб, у 60 йил ичида Тарих институтининг босиб ўтган йўли, унинг эришган ютуқ ва натижалари ҳамда келажакда турган масъулиятли вазифаларига бағишланди. Хусусан, бугунги кунда Тарих институти тарих фанини мувофиқлаштирувчи ва тарихчи олимларнинг фан ривожига йўналтирилган интилишларини бирлаштирувчи тарихий тадқиқотларнинг ўзига хос марказига айланганлиги алоҳида таъкидланди.

1-шўъба «Ўзбекистонда тарих фанининг тарихий ва муаммовий тарихшунослик масалалари»га бағишланиб, проф. Ф. Қосимов раҳбарлигида ўтди. Шўъбада тингланган маърузалар асосан Ўзбекистоннинг XIX аср охири ва XX аср тарихи масалаларининг тарихшунослигига бағишланди. Мазкур ҳолатни бу давр адабиётларининг ҳаддан ташқари кўплиги ва асосий тадқиқотлар айнан шу даврдан бошланганлиги билан белгилаш ўринлидир. Т.ф.н. Ш.И. Асадованинг «Ўзбекистонда тарихшунослик тадқиқотлари ҳолати масалаларига доир» маърузасида 1991-2000 йиллар давомида амалга оширилган тадқиқотларнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинди. Унда тарих фанида юз берган ўзгаришлар, уларнинг янги ҳолати, истиқболлари ҳақида кенг ва атрофлича маълумот берилди. Т.ф.н. Н. Маҳкамованинг «20-30-йиллар тарихшунослигида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари» маърузасида бу давр тарихшунослигини бир ёқлама таҳлил қилиб бўлмаслигини, 20-йиллар адабиёти мунозарали бўлиб, аксарият ҳолларда жамият ҳаётини объектив ёритилгани билан ажралиб туриши таъкидланди. Шўъбада жадидчилик ҳаракати муаммолари проф. Ф. Қосимовнинг «Бухоро жадидчилик ҳаракати тарихшунослиги» ҳамда ёш тадқиқотчи С.Н. Мадиевонанинг «Туркистон мухторияти XX аср тарихшунослигида» мавзусидаги маърузаларида янги маълумотлар асосида талқин қилиб берилди.



2-шўба «Ўзбекистонда археология фанининг ютуқлари»га бағишланиб, академик Э.В. Ртвеладзе раислигида ўтди. Асосий маърузалардан Э.В. Ртвеладзенинг «Ўрта Осиё археология тарихидан», Ю.Ф. Буряков ва М.И. Филановичнинг «ЎЗР ФА Тарих институти қошида археология фани», Н.Б. Немцеванинг «Сўнгги 50 йил ичида ўрта аср ёдгорликларидаги наққошлик санъатини археологик ўрганиш: методика ва муаммолар» саналиб, уларда Ўзбекистон археология фанининг босиб ўтган йўли, унинг ривожига мутахассисларнинг олиб борган тадқиқотлари ва ечилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида фикр - мулоҳазалар билдирилди. Археолог олимларнинг илмий фаолиятларини таҳлил қилиш, уларнинг илмий меросларига мурожаат ёш тадқиқотчилар Д. Муродованинг «Ўзбек археологияси фани ривожига Г.А. Пугаченкованинг роли» ва Н. Ражабованинг «С.К. Кабанов - Қашқадарё воҳаси қадимги ва ўрта асрлар археологиясининг биринчи тадқиқотчиси» номли маърузаларда кузатилди ва улар олимлар томонидан эътироф этилди.

Мунозараларга бой бўлган шўбалардан бири «XX асрда Ўзбекистон этнологияси бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари» бўлиб, Ўзбекистон этнография фанининг ҳолати таҳлиliga бағишланди. Шўба т.ф.д. З.Х. Орифхонова раҳбарлигида ўтиб, унинг «ЎЗР ФА Тарих институтида этнология масалаларининг ўрганилиши» номли маърузаси Ўзбекистон этнография фанининг тараққиётида институт жамоасининг тутган ўрни ва роли, бугунги кунда этнограф олимлар олдида турган муҳим вазибаларга бағишланди. Мустақиллик шарофати билан республикада этнография соҳасига алоҳида аҳамият берилаётганлигига урғу берилди. Т.ф.н. А. Ашировнинг «Ўзбек халқи этнографияси мустақиллик йилларида» деб номланган маърузаси ҳам юқоридаги маърузанинг маънавий давоми бўлиб, асосий эътибор этнология фанининг ютуқлари ва муаммоларига қаратилди. Ўзбек этнологияси ҳозиргача тавсифий характердаги тадқиқотлардан халос бўла олмаётганлиги, қолаверса ўзбек олимларининг хорижий этнологик тадқиқотлар билан тўлиқ таниш эмаслиги, баъзан эса уларнинг имкониятлари чекланганлиги ҳақидаги фикрлар маърузачининг диққат марказида бўлди. Бу эса этнографларнинг қизғин баҳс ва мунозараларига сабаб бўлди. Япониялик тадқиқотчи Э. Имахорининг «Традиция»нинг икки тарафи ҳақида баъзи мулоҳазалар» мавзуси ҳам олимлар томонидан яхши кутиб олинди. Унда Бухоро вилояти Шофиркон тумани каштачилиги мисолида анъанавий халқ санъати масалаларига эътибор қаратилиб, хорижий тадқиқотчи нуқтаи назаридан таҳлил қилинди.

«Ўзбекистон XX аср хориж тарихшунослигида» деб номланган 4 - шўба проф. Г.А. Ҳидоятлов раислигида ўтиб, у ҳам қизғин баҳсларга бой бўлди. Г. Ҳидоятловнинг «XX аср хориж тарихшунослигида Ўзбекистон тарихининг асосий йўналишлари» маърузасида хорижий тарихшуносларнинг ишларида Ўзбекистон тарихини ўрганишда фақат ҳолисона ёндошилган деб айтиб бўлмаслигини, унинг камчиликларини ҳам очиқ кўрсатиб бериш зарурлигига алоҳида урғу берилди. Шўба ишида немис тарихшунослигига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, О.П. Кобзеванинг «Буюк Ипак йўли XX аср Германия тарихшунослигида», Т.Р. Шодмоновнинг «Немис тарихшунослигида совет ҳукуматининг исломга муносабатини ёритиши», Б. Сидиқовнинг «Немис саёҳатчилари Ўрта Осиё ҳақида», С. Шодмонованинг «Немис ва турк тарихшунослигида 1917 йил Октябрь тўнтариши воқеалари» номли маърузаларида Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон тарихининг ўрганилиши масалалари таҳлил этилди. Ёш тадқиқотчилар Ж. Мирзасевнинг «Ўрта аср Шарқ шаҳарлари ҳақида хорижий тарихшуносликнинг асосий йўналишлари» ва З. Жўраевнинг «X аср ҳуқуқшуноси А. Мошвардий фаолияти жаҳон тарихшунослигида» маърузалари эса ўрта асрлар тарихи

нинг жаҳон тарихшунослигида тадқиқ қилиниши масалаларига бағишланиб, анжуман иштирокчиларида қизиқиш уйғотди.

Т.ф.д. Н.А. Абдурахимова раҳбарлигидаги «Манбашунослик муаммолари» 5-шўъбаси баҳс ва мунозаралар остида ўтди. Манбалар, айниқса ҳужжатлар ўз даврининг тарихий жараёнини холис акс эттиришда ўта муҳим ҳисобланди. Шўъба айнан шу йўналишда иш олиб борди. Ўрта асрлар тарихига доир янги манбалар таҳлили О. Бўриевнинг «Темурийлар даври Ренессанси манбаларини ўрганишнинг асосий муаммолари», Ш.С. Камолитдиннинг «Хуросоннинг исломгача бўлган ҳукмдорлар шажараси ҳақида янги манбавий маълумотлар», Ш. Сирожиддиновнинг «Сўфи Оллоёрнинг «Суббатул арузин» асари XVII аср ижтимоий ҳаётини ўрганишда муҳим манба», Г. Султонованинг «Бухоро ва Ёркенд хонликларининг ўзаро маданий алоқалари (XVI аср манбалари таҳлили асосида)» номли маърузалари тингланди. Шунини таъкидлаш керакки, мустамлака даври архив ҳужжатлари бугунги кун тарихчилари тадқиқотларининг муҳим манбавий негизи бўлиб, ўша даврнинг ҳаққоний манзарасини тиклашга хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда шўъбадаги 10 га яқин маърузаларнинг айнан шу даврнинг ижтимоий - сиёсий, иқтисодий мавзуларига бағишланганлигини айтиб ўтиш лозим.

Энг сўнгги 6 - «Тарихий тадқиқотлар методологияси» шўъбаси проф. В.Л. Гентшке раислигида олиб борилиб, Ўзбекистон тарихини ўрганиш масалаларининг муҳим йўналишлари ва муаммоларининг фалсафий-методологик асосларига бағишланди. Проф. Р.Х. Муртазаеванинг маърузасида олий ўқув юртрларнинг тарихга ихтисослашган факультет студентларига Ўзбекистон тарихи бўйича муаммовий маърузалар ўқиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, С.К. Камоловнинг «Қорақалпоғистон тарихининг янги тарихшунослиги: натижалар, истиқболли режалар», т.ф.д. Э. Нуриддиновнинг «Ўзбекистон Республикаси халқаро алоқаларини ўрганишнинг методологик асослари ва манбавий негизи» маърузаларида муаммога замонавий - концептуал ёндошув кузатилди.

Ўқишларда бугунги тарих фанининг нафақат ютуқлари, балки камчиликлари юзасидан ҳам очиқ фикрлар билдирилди. истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. Якуний мажлисдаги барча шўъба раисларининг ҳисоботларида маърузаларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинди, айниқса ёш олимларнинг тадқиқот мавзуларини танлашдаги ёндошувларига алоҳида эътибор берилди. Улар бир овоздан бундай анжуман нафақат ёш олимлар, балки етук мутахассислар учун ҳам қизғин илмий кураш майдонига айланганлиги, улар ўртасида илмий ҳамда амалий мулоқотни ўрнатишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар. Проф. Д.Алимова диққатга сазовор бўлган барча маърузалар илмий тўплам шаклида нашр қилинишини айтиб ўтди. «Тарихшунослик ўқишлари»нинг аҳамиятли жиҳати яна шундаки, у тарих фани соҳаларининг ривожини, бугунги кундаги ҳолатини аниқлашда, мутахассисларнинг ўзаро фикр алмашинувида, илмий алоқаларнинг йўлга қўйилишида, ҳеч бир муболағасиз тарих фани истиқболли ривожини белгилашда асос бўла олади.

*Н. Мустафоева*

**АКАДЕМИК ЯХЁ ФУЛОМОВ НОМИДАГИ «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ» РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ СЕМИНАРИНИНГ 2003 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛГАН ЙИҒИЛИШЛАРИ ҲАҚИДА**

2003 йил 14 мартда Темурийлар тарихи Давлат музейида академик Яхё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Ўзбекистон тарихи» хрестоматиясини I жилдининг муҳокамасига бағишланган 25-йиғилиши бўлиб ўтди.

Семинарда «Ўзбекистон тарихи» хрестоматиясининг I жилди бўйича ишлар якуни ҳақида профессор А.Аҳмедов, «Ўзбекистон тарихи» хрестоматиясининг II жилдини тайёрлаш бўйича олиб борилётган ишлар ҳақида профессор А.Ўринбоевлар маърузалар қилгач, тақризчиларнинг хрестоматия юзасидан фикр-мулоҳазалари тингланди. Шундан сўнг иштирокчиларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида тавсиялар ва семинар хулосалари ишлаб чиқилди. Шу билан академик Яхё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг 25-йиғилиши ўз ишини якунлади.

2003 йил 28 март куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда академик Яхё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Узлуксиз таълим тизимида Ўзбекистон тарихини ўқитиш услубияти ва дарсликлар масаласи» мавзусидаги 26-йиғилиши тарих фанига ихтисослашган 9-ўрта мактабда бўлиб ўтди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларидан етакчи ва ёш тарихчи олимлар, дарслик муаллифлари, фан ўқитувчилари қатнашдилар.

«Умумий ўрта таълим мактаблари учун 5-11- синф дарсликларининг ҳолати ва уларнинг янги авлодини яратиш муаммолари» мавзусида тарих фанлари доктори Д.Ҳ.Зиёева маъруза қилди. Маърузачи тарих фанидан яратилаётган дарсликлар мазмунига миллий истиқлол ғояларини сингдириш масаласига жиддий эътибор қаратишни таъкидлаб ўтди. Шунингдек, мавжуд дарсликларда бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлигини синфлар кесимида далиллар билан таҳлил қилиб берди.

«Ўзбекистон тарихи фанидан яратиладиган янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талаблар» хусусида профессор Д.А.Алимова сўзга чиқиб, ҳозирги кунгача яратилган мавжуд дарсликларда ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихига доир масалалар тўлалигича ёритилмаганлиги, дарсликларнинг янги авлодини яратишда давлатчилик тарихи билан халқнинг ўз мустақиллиги учун олиб борган ҳаракатлари ва шу каби муҳим масалалар кўрсатилиб ўтилиши кераклигини таъкидлаб ўтди. Асосий маърузалар юзасидан бўлиб ўтган музокараларда Ш. Саидов, Г. Машарипова, А. Муҳаммаджонов, А. Кабиров, Т. Тулеметова, Э. Холиқов, Т. Сагимов, Э. Қосимов, амалиётчи ўқитувчилардан У.Жўраев, М.Тўраевалар сўзга чиқиб, 6,7,8-синф дарсликлари ўта мураккаб тузилганлиги, шу мақсадда аввало концепция ишлаб чиқиши, дарсликларни яратишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинishi, муаллифлар гуруҳи таркибига тажрибали амалиётчи ўқитувчилар жалб этилиши мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

2003 йил 10 июнь куни академик Яхё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Марказий Осиё халқлари



тарихида тил ва маданиятнинг тутган ўрни» мавзусидаги 27-йигилиши Самарқанд Давлат чет тиллар институти билан ҳамкорликда ўтказилди. Семинар ишида Фанлар Академиясининг тарих, тил ва адабиёт институтларининг ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг етакчи ва ёш тарихчи, тилшунос олимлари қатнашдилар.

«Марказий Осиё тараққиёти тарихида тил ва маданият синкретизацияси» мавзусида тарих фанлари доктори М.Исҳоқов, «Марказий Осиёнинг VII-XIX аср қўлёмаларида тил ва тарих муаммолари» мавзусида академик А.П. Қаюмов, «Современная языковая панорама мира и лингво-культурные процессы в Центральной Азии» мавзусида тарих фанлари доктори профессор А.М.Бушуйларнинг маърузалари тингланди. Семинар давомида ўзбек халқи ва давлатчилигининг кўп минг йиллик тарихида тил ва маданиятнинг тутган ўрни ниҳоятда муҳим эканлиги ҳақида сўз юритилди. Хусусан, Марказий Осиёда яшаган халқларнинг ўзаро алоқалари, ушбу ҳудуднинг тараққиёти тарихида тил ва маданият синкретизацияси масаласи, шунингдек, Марказий Осиёнинг VII-XIX аср қўлёмаларида тил ва тарих муаммолари ҳамда замонавий ва маданий лингвистик жараёнлар масалалари атрофлича таҳлил қилинди.

Мунозара ва мулоҳазалардан сўнг илмий семинар қарори ва хулосалари ишлаб чиқилди. Шу билан академик Яҳё Гуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг 27-йигилиши ўз иштини якувлади.

2003 йил 16 декабрда академик Яҳё Гуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Ўзбекистонда тарих фанининг тараққиёти: сабоқ ва истиқболлар» мавзусидаги 28-йигилиши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети замирида ўтказилди. Мазкур семинар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Тарих институтининг 60 йиллигига бағишланди.

Семинарда «Узлуксиз таълим тизимида тарих фанининг ўрни» (проф. Р.С. Қосимов), «Тарих фанининг илмий ва ғоявий маркази» (проф. Д.А. Алимова), «Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар даврини ўрганиш муаммолари» (проф. Р.Г. Мукминова), «Олий таълим тизимида Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиш масалалари» (проф. Э.Г. Набиев), «Ўзбекистоннинг Россия империяси ва совет мустамлакачилиги даври тарихини ўрганишнинг асосий йўналишлари» (т.ф.д. Д. Зиёева), «Ўзбек халқи этнографиясини тадқиқ этиш масалалари» (т.ф.н. Г. Зуннунова), «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде тарих фанини ўқитиш хусусиятлари» (т.ф.н. С. Пулатова), «Ўзбекистоннинг мустақиллик даврини ўрганиш муаммолари» (т.ф.д. Э.З. Нуриддинов) мавзусидаги маърузалари тингланди. Маърузаларда ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини ўрганиш бўйича институт ходимлари томонидан олиб борилаётган изланишлар, шу масалага оид бўлган монография ва рисоалар чоп этилгани ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, айни пайтда давлат грантлари асосида 7 жилддан иборат бўлган «Ўзбек давлатчилиги тарихи» монографияси устида иш олиб борилаётганлиги ҳақида ахборот берилди.

Маърузалар юзасидаги музокараларда профессорлардан К. Хоназаров, М. Исҳоқов, т.ф.н. Д. Раҳмонова, Қ. Ражабов ва бошқалар сўзга чиқиб фикр - мулоҳазаларини билдирдилар.

Мунозара ва мулоҳазалардан сўнг илмий семинар қарори ва хулосалари ишлаб чиқилди. Шу билан академик Яҳё Гуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг 28-йигилиши ўз иштини якувлади.

Навбатдаги республика илмий семинарни «Ўзбек давлатчилиги тараққиёти тарихида фан ва техника омиллари» мавзусидаги 29-йигилиши 2004 йил 18 март куни



Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети замирида ўтказилди.

Семинар дастурига асосан «Қадим ва ўрта асрлар даврида темирчиликнинг ривожланишида фаннинг роли» мавзусида академик Ю.Ф.Буряков маъруза қилди. Маърузачи қадимги даврлардан то ҳозирги кунга қадар давлатчилик ва жамият ишлаб чиқариш иқтисодиётининг шаклланишида ҳунармандчилик ҳамда Буюк Ипак йўли бўйича халқаро савдо-сотиқнинг ривожланишида темирчиликнинг туганган ўрнини археологик ва ёзма манбаларнинг таҳлили орқали илмий асослаб берди.

«X-XI аср Марказий Осиё олимларининг жаҳон табиий фанлари тараққиётидаги ўрни (Абу Райҳон Беруний илмий мероси мисолида)» мавзусида тарих фанлари доктори С. Каримова маъруза қилди. Маърузада IX-XII асрларда Марказий Осиё маданияти ва фаннинг юксак тараққиёти билан характерли экани, шу даврдаги буюк алломалар Ибн Сино, Абу Райҳон Берунийларнинг аниқ ва табиий фанлардаги улкан кашфиётлари хусусида тўхталди. Шунингдек, Берунийнинг рус ва ўзбек тилига таржима қилинган асарлари орасида «Хронология», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Қонуни Масъудий», «Фармакогнозия», «Минералогия» асарлари турли фан соҳаларида чуқур из қолдирганлигини қизиқарли далиллар билан изоҳлаб берди.

Профессор А.Отажонов «Ўзбекистонда XX аср фан ва техника тараққиётининг асосий омиллари» мавзусидаги маърузасида илмий-техник ривожланишнинг асосий йўналишлари XX аср бошидан 3 босқичга ажратилиши ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос характерли томонлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Илмий семинар кун тартибидаги мавзу бўйича тингланган маърузалар юзасидан баҳс-мунозаралардан сўнг бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди. Шу билан академик Яҳё Гуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг 29-йиғилиши ўз ишини якунлади.

*Э. Нуриддинов*

## МУНДАРИЖА

### Тарихга янги нигоҳ

- А. Эркинов. Дукчи эшон ва 1898 йил Андижон кўзғолони – давр шоирлари баҳосида ..... 3
- Т. Бобоматов. О ссылках и этапных движениях в Туркестанском генерал-губернаторстве ..... 18
- Г. Реука. Об особенностях осуществления научно-технического прогресса в промышленности Узбекистана в 70-80 х гг. XX века. .... 25

### Тарихшунослик, манба ва талқин

- Ш. Шоёқубов. Илк ўрта аср сиёсий муносабатлари суғд ёзма манбаларида ..... 33
- Г. Джураева. Исследование вакфных документов фонда Института востоковедения АН РУз. .... 40
- У. Абдурасулов. Вакфная грамота 1778 года как источник по изучению аграрных отношений в Хивинском ханстве ..... 49

### Тарих фактлар тили билан

- И. Жамолҳожӣ. Туркистонда рус ва хорижий нефть ширкатларининг фаолияти ..... 58

### Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

- Н. Мустафоева. «Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик ўқишлари - 2003)» республика конференцияси ҳақида ..... 70
- Э. Нуриддинов. Академик Яҳё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг 2003 йилда ўтказилган йиғилишлари ҳақида. .... 73

## Муаллифлар ҳақида маълумот

- А. Эркинов — ЎзМУ ўзбек классик адабиёти кафедраси доценти, филология ф.д.
- Т. Бобоматов — Тошкент вилояти давлат педагогика институти катта ўқитувчиси.
- Г. Реука — ТДТУ Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти, т.ф.н.
- Ш. Шоёқубов — Низомий номли ТДПУ ўқитувчиси.
- Г. Жўраева — ЎзР ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
- У. Абдурасулов — ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими.
- И. Жамолҳожии — ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими.

Муҳаррирлар: *М. Саидова, В. Соловьёва*  
Техмуҳаррир: *Л. Тюрина*  
Корректор: *К.С. Загряжская*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 153.  
Боснига рухсат этилди 2004 й. 7.06. Қоғоз бичими 70x100<sup>1/16</sup>. Таймс гарнитура.  
Офсет босма. Офсет қоғози. Шартли босма ... т.  
Ҳисоб-нашриёти 4,5. т. 576 нусха. 30-бўюртма.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, акад. Я. Фуломов кўчаси, 70.  
ЎзР ФЛАК босмахонасида чоп этилди. Тошкент, И. Мўминов кўчаси 13-уй.



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан»  
нашриёти қуйидаги монографияни нашрдан чиқарди.

А. Қирғизбоев: Ўзбекистон Республикасининг Осиё мам-  
лакатлари билан халқаро ҳамкорлиги.

ҳажми 18,0 б.т. 1000 нусхада. Келишилган нархда.

Мазкур китобда мамлакатимизнинг Осиёнинг етакчи дав-  
латлари билан ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик  
алоқалари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда минта-  
қада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида олиб бо-  
раётган саъйҳаракатлари кенг ва атрофлича ёритиб берилган.

Ушбу монографиядан Ўзбекистон Республикасининг халқа-  
ро ҳамкорликлари соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораёт-  
ган мутахассислар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тизими-  
да маъруза-семинар машғулотларини ташкил этишда, махсус  
курслар ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин. Шунингдек,  
кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

### **ҲУРМАТЛИ ЖУРНАЛХОНЛАР!**

*«Ўзбекистон тарихи» журнаliga 2004 йил учун обуна давом этмоқда.*

*Обуна бўлган журналхонлар тарихга янги нигоҳ билан ёндошилган тарихшунослик ва этнография масалаларига оид қизиқарли мақолалар ҳамда бой тарихимизнинг турли соҳалари бўйича ўтказилган илмий анжуманлар, учрашувлар ва баҳслар ҳақида ахборотлар билан танишадилар.*

*Журналга обуна бўлишга шошилинг. Обуна баҳоси 2004 йил учун 8000 сўм.*

